1 4 0 2 96

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН 9 феврал, № 6 (3343)

ДАВОС ИҚТИСОДНИ ДАВОЛАЙДИ

Бундан 25 йил муқаддам таниқли иқтисодчи ва жамоат арбоби Клаус Шваб ташаббуси билан ташкил этилган Давос анжуманининг обруси йилдан йилга ортиб бормоқда. Ҳар йили Алп тоғлари бағрида жойлашган Давос шаҳрига жаҳоннинг таниқли иқтисодчилари, давлат ва жамоат арбоблари, савдо саноат ва молия доираларининг намояндалари йиғилиб, дунё иқтисодиёти тараққиётининг долзарб муаммолари, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболларини муҳокама қиладилар. Сармоялар оқимининг стретегия йўналишларини белгилайдилар.

Беш йилдирки, бу йирик анжуманда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этмоқда. Бу ердаги учрашувлар, мулоқотлар шубҳасиз республикамиз иқтисодини кўтаришда катта аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги Давос анжумани ҳам муваффақиятли ўтди. Анжуманда жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон бозорининг ҳозирги ҳолати ва тараққиёти истиқболлари билан боғлиқ муҳим масалалар, давлатлар иқтисодий тараққиётининг ана шу йўлда дуч келаётган қийинчиликларни бартараф этишга доир муаммолари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари «Жаҳон ақл-заковат ҳаракати» деб аталган бевосита баҳсларда иштирок этдилар.

Президент Ислом Каримов Давосга келган дастлабки кундан то сафарининг сўнгги кунигача бир неча хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, йирик кампаниялар ва банкларнинг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Президент Ислом Каримов сафар чоғида Лезанна шаҳрида жойлашган Халқаро Олимпия Қўмитасига ташриф буюрди. Бу ерда Ислом Каримовга Олтин Олимпия орденини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Бу ноёб орденга 50 дан ортиқ киши сазовар бўлди. Улар орасида қироллар сулоласи аъзолари, Рим папалари, Франсуа Миттеран, Борис Елсин ва бошқа атоқли давлат арбоблари бор.

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч юксак мукофотни топширар экан, Ислом Каримовга қарата бундай деди: «Сизнинг жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматларингиз ва олимпия ўйинларини қайта тиклаган Пиер Де Кубертен ишлаб чиққан олимпия идеалларига садоқатингиз учун биз сизни олимпия ордени билан мукофотлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Халқаро Олимпия Қўмитаси ва шахсан қўмита президентига миннатдорчилик билдириб шундай деди:

«Халқаро Олимпия Қўмитаси барча ирқлар ва халқлар тенглиги учун ҳаммадан кўп жон куйдираётган ташкилот, одамлар ўртасидаги ҳар қандай ғовларни олиб ташлаб, инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотини кўзлаб уларни қардошларга айлантиришга қодир бўлган кучдир, десам бошқалар ҳафа бўлмаса керак».

Маросимда олимпия ҳаракати ва жамоатчиликнинг кўзга кўринган вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Лезаннадаги Олимпия ҳаракати музейини бориб кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 феварал куни Тошкентга қайтиб келди.

МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

3-бет

Тушди энди ўзга ишқу муддаолар бошима,
Тушгани янглиғ қийин обу ҳаволар бошима.
Кўрки, ўт сочкай елу салқин саболар бошима,
Ваҳки, келтурдунг фироқингдин балолар бошима,
Ул балолардинки қочтим, келди олар бошима.

Раҳм агар бўлса ёришгай айрилиқ ойи, не тонг,
Гар ёришса ўт олиб ёнгай суву лойи, не тонг,
Ўт агар бўлса дилимнинг манзилу жойи, не тонг.
Заҳм агар бўлса бошимнинг ҳар туки сойи, не тонг,
Мунча тошким ёғдурурлар дилраболар бошима.

Тошлари дилга чўкиб, ҳаргиз ёшимдин чиқмағай,
Сўнгра доғ бўлғайлару доғлар тошимдин чиқмағай,
Бул на ишқдурким таваллоси бошимдин чиқмағай,
Сарвқадларнинг таманноси бошимдан чиқмағай,
Қаҳр этиб, эй шайх, синдурсанг асолар бошима.

Дард улуғ хирмон бўлибдур мисли хошок жон аро,
Дил, фиғон этма, бу он қўзғолма, тингил, эй сабо.
Онгладими улки ушшоқ бахтини ёзмиш қаро:
Кўрмайин кўзлар қачон келди бошимға юз бало,
Кўр, нелар келтурди бу юзи қаролар бошима.

Не учун вақтида мен бул ўтни тез сўндурмадим?
Муҳлат ўтди — жисм аро меҳриғиёҳ ундурмадим.
Жон тинар бўлди валекин мен они тиндурмадим,
Ишқ аро гаҳ-гаҳки эл пандиға бош индурмадим,
Келди турлук-турлук ондин можаролар бошима.

Ҳар неча мардумни кўрдим чашмида нам ақлдин,
Кўрмадим меҳнат ила хотирин жам ақлдин.
Қўйгил энди, эй рафиқ, сен урмагил дам ақлдин.
Муддаолар бошима тушгунча ҳар дам ақлдин
Келса хушроқ ишқ тийғидин яролар бошима.

Ишқнинг ҳам бор эрур таҳдид ила ташдидлари,
Қурқитодур, оҳ, мени, кўргил, бу ишқ таждидлари,
Сиз яқин келманг, тутошгайдир бу жоним ўтлари,
Қўйида ўлди Навоий, қочти андин итлари,
Йўқ эди ўлганда ёру ошолар бошима.

Сирожиддин САЙЙИД

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўлмас ижодий меросини тарғиб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фанлар академияси 1996—2000 йиллар мобайнида Алишер Навойнинг 20 томлик асарлари тўпламининг тўлиқ нашрини амалга оширсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1996 йилда тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ёдгорлигини таъмирлаш, ёдгорлик атрофини ободонлаштириш ва шоир асарларини ижро этиб турувчи фонограмма системасини ўрнатиш чораларини кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ҳисоб-китобларга асосан бўладиган харажатларни қоплаш манбаларини аниқлаш юклатилсин.

4. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 8 феврал.

ЭСТРАДА МУСИҚАСИ БАЙРАМИ

Бугун ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларга шароитлар яратиш, ижодий имкониятларини кенг намойиш этишларини таъминлаш мақсадида кўплаб хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. Пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида 5-8 феврал кунлари ўтказилган «Офарин-96» республика эстрада мусиқаси фестивали ҳам ана шундай тадбирлардан биридир. Фестивал кунлари биз унинг ташкилотчиларидан бири, Ботир Зокиров номидаги жамғарма бош директори Равшан ЗОКИРОВ билан учрашиб, бу мусиқа байрамининг мақсади ва вазифалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик:

— Аввало, шуни айтишим керакки, «Офарин-96» фестивалининг ташкилотчилари Ботир Зокиров номидаги жамғарма ҳамда «Туркистон» саройидир. Хабарингиз бор, ўтган йили биринчи шундай фестивал ўтган эди. Бу иккинчиси бўлиб, асосий мақсадимиз, ёш эстрада ижодкорларига ҳар томонлама ёрдам бериш, улар истеъдодининг юзага чиқишини таъминлашдир. Фестивал ташкилий қўмитасининг раҳбари машҳур эстрада хонандаси Фаррух Зокировдир.

Конкурсимиз икки кун мобайнида икки босқичда ўтади. Бу конкурсда ҳозир ўн иккита яккахон хонанда ва ўн битта гуруҳ иштирок этмоқда. Қатнашувчиларнинг ёши 18 дан 30 ёшгача.

Иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолаш учун юксак профессионал малакага эга бўлган ҳайъат аъзолари таклиф этилган. Ҳайъатга Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров раислик қилмоқда. Мусиқашунос Аида Иброҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Элдор Азимов, композиторлар Дилором Омонуллаева, Дони Илёсов, Руслан Шарипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Кумуш Раззоқова, Алишер Тулаганов, хонанда Равшан Номозов, шоир Муҳаммад Юсуф, овоз режиссёри Сергей Парамоновдан иборат ҳайъат аъзолари конкурс иштирокчиларининг чиқишларини ҳар томонлама баҳолайдилар. Ғолиблар учун дипломлар ва пул мукофотлари таъсис этилган.

— Айтинг-чи, сиз бошчилик қилаётган жамғарма бу конкурсдан ташқари яна қандай ишларни амалга оширишни режалаштирган?

— Биз биринчи навбатда, юқорида айтганимдек, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлашни ўз вазифамиз деб биламиз. Шу мақсадда яқинда санъат ва мусиқа мактабларининг энг намунали ўқувчилари учун жамғармамизнинг стипендиясини ташкил этдик. Шунингдек, фақат эстрада ва унинг муаммолари билан боғлиқ бўлган «Офарин» деб номланган рангли журнал чиқармоқчимиз. Бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Энг катта вазифамиздан бири ўзбек эстрадасини дунё миқёсига олиб чиқишдир. Шу мақсадда ноябр ойида халқаро классик эстрада мусиқаси конкурсини ўтказишни мўлжаллаганмиз.

— Барча хайрли ишларингизнинг амалга ошишига тилакдошмиз.

Г. УМАРОВА

ШОИР ВА САНЪАТ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Санъатшунослик институтида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишлаб «Навоий ва санъат» мавзуида анжуман ўтказилди. Анжуманни санъатшунослик доктори профессор, Тўхтасин Ғафурбеков очиб, буюк шоирнинг мусиқий ижодиёти хусусида фикр юритди.

Санъатшунослик доктори Муҳсин Қодиров, доцент Зокиржон Орипов, филология фанлари номзоди Суюма Ғаниева, санъатшунослик номзодлари Оқилхон Иброҳимов, Абдулазиз Ҳошимов, Равшан Юнусов, тадқиқотчи С. Қосимхўжаева, тарих фанлари номзоди Ҳожиакбар Ҳамидов, илмий ходим Д. Каромат, аспирант-тадқиқотчи Б. Матёқубовлар сўзга чиқиб, Алишер Навоий ижодининг мусиқа билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида, ўша давр мусиқа ва санъат маданиятига шоирнинг таъсири хусусида фикр юритдилар.

Шунингдек, ушбу анжуманда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти олимлари, Тошкент Давлат консерваторияси устозлари, республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Неъмат Аминов ҳам иштирок этдилар.

Йиғилганларда, айниқса, анжуманда қатнашган чет эллик меҳмонларнинг чиқишлари катта таассурот қолдирди. Улардан бири-туркиялик тарихчи олима Эсонбекова Тўғондир. У бу анжумандан катта таассурот олганини, Алишер Навоий ижодини катта қизиқиш билан ўрганишини изҳор қилди. Эрон Ислом республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва матбуот ишлари бўйича маслаҳатчиси Меҳроб Ражабий зуллисонайн — икки тилда ижод қилган буюк бобокалонимиз ижодининг Эронда ҳам нақадар севиб ўрганилиши, Эрон халқи уни ўзининг шоири деб эъзозлаши ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Анжуманда теҳронлик олим Баҳмал Акбарий ҳамда Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг таълим бўйича маслаҳатчиси Аҳмадбей Севги ҳам иштирок этдилар.

«ДЕҲҚОН БОЗОРИ»ДА ДЕҲҚОН БОРМИ?

Бор! Лекин кам, анча-мунча кам. Ишонмасангиз, ана, Тошкент бозорларини бир кузатинг: ҳаммасида деҳқондан «тижоратчи» кўп. Яна денг, бозордаги жойнинг энг зўри ҳам, маҳсулотнинг энг қиммати ҳам шуларники. Деҳқон эса, одатдагидай, икки қўли кўксида, ўзи бир четкада. Сабаб?

Сабаби маълум — деҳқон билан «тижоратчи» ўртасидаги фарқда. Хўш, бу фарқ нимада?

Биринчидан, деҳқон маҳсулотни ўз қўли, ўз меҳнати билан етиштиради. Шу мақсадда йил ўн икки ой бола-чақаси билан бирга заҳмат чекади. Албатта, шу аснода у ҳам эккан уруғи ёки кўчатидан мўл ҳосил олишни, уни бозорда сотиб мўмай даромад қилишни ўйлайди. Лекин охир-оқибат нарх-навони деҳқон эмас, бозор белгилайди. Деҳқон маҳсулотини бозорнинг кўтаришига қараб сотади. Баъзан шундай бўладики, у сарфлаган чиқим-харажатини 2-3 баравар қилиб чиқариб олади, баъзан эса мутлақо тескариси бўлади. Шунинг учун ҳам буни деҳқончилик дейдилар, шунинг учун ҳам буни бозор дейдилар.

Иккинчидан, деҳқон маҳсулотига ҳеч қачон бозорнинг ўртача баҳосидан ортиқ нарх қўймайди. Борди-ю, сал оғринсангиз ёки илтимос қилсангиз, дарҳол тушиб беради. Бундан ташқари, у торозидан ё пулингиздан урмайди, аксинча, сиз харид қилган мева-чева, картошка-сабзавот устига бир-иккита ташлаб, оғирроқ қилиб беради.

Учинчидан, олис қишлоқда яшовчи деҳқон Тошкент бозорига ҳеч қачон бир-икки қоп юк билан келмайди. Гардкамига машина ёллаб, маҳсулотини минг бир азоб билан келтиради. Шунга яраша бозорда бафуржа ўтириб олиб, савдо қилса бўлади. Лекин бунинг учун ҳафта-ўн кун керак. Деҳқоннинг эса вақти зиқ. Қолаверса, бегона жойда соч-соқол олдирмай, совуқда дилдираб ётиб-туришнинг ўзи бўлмайди. Бозордаги жой пули, ётоғу овқат пули «манаман» деган одамни ҳам анча чақиб қўяди. Модомики, шундай экан, уйини, қишлоғини соғинган деҳқон битта йўл тутади — маҳсулотини кўтарасига сотади. Кўтарасига сотди дегани анча арзонга берди, дегани бўлади.

Хўш, «тижоратчи»-чи? Ўзингиз биласиз, у далада ёки томорқа, боғда тер тўкиб ноз-неъмат етиштирмайди. Баъзи бирлари анор қайда-ю, нашвати нок қайда яхши битишини билишмайди. Лоақал, картошканинг палаги қанақа бўлишини тасаввур ҳам қилишолмайди. Фақат битта нарсани — бозорнинг «об-ҳаво»сини яхши тушунишади. Бугун қайси молни кўтарасига олиб, қимматроққа сотса, қанча фойда қолишини обдон яхши билишади. Шу даражада яхши билишадики, кези келса, отаси ёки бобоси тенги одамга ҳам боплаб фириб бериб кетишади. Агар деҳқон эндигина машинада келтирган маҳсулот харидоргир бўлса, дарҳол уни ўраб олишади. Мол эгасини картошка-сабзисини ёки олма-нокини 50-60 килолаб, кўтара сотишга «кўндиришади». Кейин эса икки қадам нарига бориб, энди «ўз томорқасидан чиққан» бўлиб қолган ўша ўлжани майдалаб сотишга киришади. Сотгандаям шунақаки, фақат «бўлиши»ни айтишади. «Бўлиши» эса анови деҳқоннинг машинасидагидан анча юқори бўлади. Масалан, картошкани кўтарасига 10-15 сўмдан олган бўлса, ўлдим деганда 18-20 сўмга пуллайди. Мабодо, бирор деҳқон ўз маҳсулотини ўзи сотмоқчи бўлса-ю, унга харидорнинг ҳамёнига қараб нарх қўйса, ҳалиги «тижоратчи»дан нақ балога қолади. Аниқроғи, «арзонфуруш» деган тавқу лаънат орттириб, бозорни тарк этишга мажбур бўлади.

— Бир жиҳатдан «тижоратчи»никиям тўғри. Негаки, у аввало, ўз таъбири билан айтганда, деҳқоннинг «ҳожатини» чиқарди, мушкулини «осон»лаштирди. Қолаверса, арзонроқ олган нарсасидан 10-15 сўм фойда қолмаса, кун-да-шунда бўлиб бозорга танда қўйиб олганидан на фойда?

Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг: агар бозорда юзта сотувчи бўлсаю, шундан тенг ярмини «бўлар баҳо»ни қўйиб олган олибсотар «тижоратчи» ташкил этса, оқибати нима бўлади? Турган гап, нарх-наво кўтарилади. Афсуски, ҳозир аксарият бозорларимизда худди шундай бўлаяпти. Бозорга кириб келган тайёр маҳсулотни ҳеч бир машаққат чекмай, уч-тўрт қадам нарига олиб бориб сотаётган «улдабурон»лар ўзларини олибсотар эмас, «тижоратчи» деб билишяпти. Ҳолбуки, чайқовчилик билан тижорат ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Қачон шу ҳақда ўйласам, хаёлимда бир савол айланаверади. Биз бундан бир ярим-икки йилча бурун яхши бир ташаббус бошлагандик. Бозорни турли хил зуравону қаллоб олибсотарлардан тозалаб, ҳақиқий деҳқон ихтиёрига қайтариб беришга киришгандик. Ушанда нарх-наво бирмунча изга тушиб, эл-юрт мамнун бўла бошлаганди. Бундан руҳланган ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари раҳбарлари радио-телевидение, газета-журналлар орқали чиқишлар қилиб, «Бу мавсумий тадбир эмас, биз бундан кейин ҳам олибсотарларга қақшатгич зарба бераверамиз», деб қоп-қоп ваъдалар қилишганди.

Мана, бугун улар ўз сўзларига нечоғли амал қилишганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз: бозор яна асосан олибсотарларнинг қўлида. Улар орасида касбию иш жойининг тайини йўқлари ҳам, ҳатто қўшнисининг маҳсулотини арзон-гаровга олиб келиб, ортиғига пуллаётган қишлоқ йигитлари ҳам истаганингизча топилади.

Табиий, энди бир савол туғилади: хўш, бозор раҳбарларию, шу ишга масъул ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари раҳбарлари қаёққа қарашяпти? Улар нега олибсотарлар пайини қирқиб, нарх-навони маромига келтириш чора-тадбирларини кўрмаяптилар? Ёки олибсотар «тижоратчи»лар олдида тиллари қисиқ жойлари борми?

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

ҒАПНИНГ ЛЎНДАСИ

АРИЗА ҚАЧОН ЁЗИЛАДИ

Касални даволаш осонми ёки соғни асраш?

...Саидахон саволимга савол билан жавоб қайтарди:

— Ўзингиз айтинг-чи, ўнта болангиз бўлса-ю, улардан бири касалванд бўлса, қайси бирини парвариш қилардингиз? Албатта ўша биттаси бир томону, қолган тўққизтаси бир томон эмасми?!

— Тўғри-ку... Лекин ҳеч қандай оқила она шамоллаган фарзандини тузатиш учун соғлом боласи эгнидаги тўнни ечиб олиб бермайди! Шундай қилса, бир ташвиши ўнта бўлади-ку!

Туман хотин-қизлар қўмитасининг раисаси билан бошланган мунозарамиз кейинги ҳафтада туман ҳокими қабулида ҳам, халқ таълими бўлими мудири билан суҳбатларда ҳам давом этди. Бу масала айни шу кунларда ечимини топмаганлиги сабабли воқеа бўлаётган туман номини ёзмай туришни маъқул кўрдик.

Мутасадди кишиларнинг айтишларича, шу кунгача катта завод тасарруфидаги «Турнахон» болалар боғчаси халқ таълими бўлими ихтиёрига ўтказилди. Янги муассис ҳозирда 149 нафар болакай тарбияланаётган мазкур боғча биносида жисмоний заиф болалар гуруҳлари очишга қарор қилди. Ақли тийрак, соғлом фарзандларининг эртами-индин атрофидаги «янги ўртоқлари»га мослашиб, улар даражасига тушиб қолишидан хавотирланган ота-оналар аризалар ёзиб турли идораларга қатнай бошлашди. Янги ташкил бўладиган боғчада, табиийки, тарбия ҳам ўзига хос бўлади. Бу — собиқ 42 нафар ходим ҳам энди ўзларига янги иш қидиришлари шарт деган гап. Энди улар мутасадди ташкилотларга, таҳририятларга мурожаат қилишмоқда. Масала моҳиятини аниқлаш мақсадидаги ўрганишларимиз, сўровларимиз етган нуқта ҳозирча мана бу:

— Ҳали болалар ўз боғчаларига қатнаб туришибди. Уларни ҳеч ким кўчага ҳайдаб юбормайди. Ҳаммасини бошқа боғчаларга жойлаймиз. Ҳоҳловчилар боласини ўз боғчасида қолдириши ҳам мумкин. Йўлланмалар берамиз. Ваҳимага ўрин йўқ!

Дарвоқе, қарор қилингани билан чиндан ҳам ҳали масала узил-кесил ҳал бўлгани йўқ-ку! Балки «Турнахон»нинг онахонлари чиндан ҳам шикоят қилишга шошилдилармикин?.. Мана шу андиша юзасидан худди юқоридагидек ҳолат юз берган бошқа бир маскан тақдири билан қизиқдик: бултур пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Марказ-13 даҳасидаги 412-болалар боғчаси ҳам қайта ихтисослаштирилган. Марказ ўртасидаги мазкур маскан аҳоли учун жуда қулай жойда жойлашган, ота-оналар боғчадаги шарт-шароитдан ҳам мамнун эдилар. Бинога заиф болалар келтирилди, унинг собиқ тарбияланувчилари эса энди юз метрча келадиган Абдулла Қодирий кўчасини кунда икки мартадан кесиб ўтишмоқда. Серқатнов йўлдан ўтишда бўладиган қийинчиликлар, кўнгилсизликлар ота-оналарни мутасадди кишиларга арз қилишга мажбур этди. Шундай шикоятчиларга «Аввалроқ қаерда эдиларинг? Энди масала ҳал бўлган!» деб дашном беришди. Ҳа, марказликлар кечикишган эди, «Турнахон»нинг оналари эса шошқалоқлик қилишмоқда...

Айтмоқчи, Аризани қачон ёзиш керак ўзи?

«Соғлом авлод учун кураш» дегани — касалванд болакайларни тузатиш деганидан ташқари соғлом болажонларни асраш дегани ҳам эмасми?

Қолаверса, болаларни ўзлари ўрганган масканларидан, меҳр қўйган «боғча опа»ларидан ажратиб, жамалак ўртоқларидан айириб бошқа бир жамоага қўшиб қўйишнинг кўз илғамас ботиний дарзлари ҳам бўладики, биз бу билан баъзан жуда катта нарсалардан маҳрум бўлиб қолишимиз мумкин.

Бас, шундай экан, соғлиги ёки ақли заиф болаларга ғамхўрлик намунаси сифатида янгидан ташкил этилажак гуруҳлар, боғча ва интернатларга имкон қадар мос махсус бинолар қуриш мақсадга мувофиқдир. Зотан, кимларнингдир эътиборсизлиги ёки шафқатсизлиги оқибатида инсон меҳри, жамият шафқатига муҳтож бўлиб қолган озурда жонларга айрича қулайликлар яратиб бериш бизнинг — ҳаммамизнинг инсоний бурчимиз! Лекин «фалонча ногиронларга фалон жойдаги қулай масканлар олиб берилди» қабилидаги ҳисоботлардан кўра, «ундоқ болаларга мундоқ(!) шароит яратиб бердик,» деб фахрланганимиз афзал эмасми?!

Мукаррама МУРОД ҚИЗИ

Истиқлол ва иқтисод

ТАДБИРКОР НИМА ТАДБИР КЎРМОҚДА?

Петербургда Октябр тўнтариши содир бўлиб, ҳамма нарса болшавойларнинг изн-ихтиёрига ўтганида қанчадан-қанча одам, асосан мулкдорлар, зиёлилар, ватан ва миллат фидойилари топган-тутганларидан мосуво бўлиб хорижий юртларга бош олиб кетишган. Чор армияси Туркистонни забт этганида бизда ҳам шундай бўлган. Кетиш осон бўлмаган, аммо улар ўша кезлариёқ «инқилоб бешиги»дан эсаётган коммунистик «шабада»нинг оқибат натижалари нималарга олиб келишини равшан тасаввур этишган. Ватанни севасева тарк этишган.

Ушанда, инқилобчи бир йигит отасидан сўраган экан:

— Нега кетаяпсиз, ота. Биз ғалаба қозондик. Ҳокимият болшевиклар қўлига ўтди. Энди ҳаммаси зўр бўлади-ку!

— Сенлар амалга оширган инқилобнинг мақсадини биласанми, болам, — деб сўрабди ота.

— Биламан, дебди ўғли, — биз бойларга қарши курашамиз, уларни тар-томири билан йўқ қилиб ташлаймиз. Ҳамма тенг бўлади...

— Биз эса, — дебди ота хўрсиниб, — бутун умр бўйи йўқчиликка қарши курашиб келдик, камбағал бўлмасин, ҳамма бой-бадавлат яшасин, дедик. Шунинг учун ҳам кетаяпман...

«Савдогар» газетасининг биринчи сони чиққанида яқинда фан номзоди даражасини олган олим дўстларимдан бири шундай деди:

— «Таргаш»ларни дабдала қиладиган «спец»газета бўлибди-да, энди боплашади бойваччаларни. Жа урчиб кетишди...

Мен унга бундай эмаслигини узоқ тушунтирдим. Олимлар тилига ўтиб узоқ баҳслашдик. Қайдам-ов, деди бари-бир бир тўхтамга кела олмай. Йўқ, хайрият, кейинчалик «Мулкдор» нашр этила бошланганида у қадар ажабланмади.

Яқинда ўша дўстимни учратиб қолдим. Нимадандир пешонаси тиришиб турибди. Ҳолаҳвол сўраган бўлдим. Ичи тўлиб турган экан, бирдан очилиб кетди:

— Савдода тартиб қолмади. Кеча «Олой» бозорида тижоратчилар ярмарка қилиб нарса сотишаётган экан, болаларга ул-бул олувдим. Бугун ўзимизнинг нон дўконга чиқсам, кеча олганим — печене, қанд-қурс уч-тўрт сўмдан арзонига турибди. Ташқарида яна бошқа нарх. Э...

Қўқонлик машҳур тадбиркор, йилнинг энг яхши тадбиркори кўрик - танловининг ғолибларидан бири Нурулла ҳожи Абдуллаев яқинда босмадан чиққан «Савдогарнинг юз бир сири» китобида шундай ёзади: «Молни бир жойдан эмас, турли жойлардан олинг. Шундай қилсангиз арзон мол қаердалигини билиб оласиз».

* * *

Мустақилликка эришганимизда олдимизда жуда кўп масала кўндаланг турар эди. Ҳар бири энг муҳим, ҳар бири ҳал қилувчи масалалар эди. Жамиятни тамомила янгилаш, бошқарув системасини бутунлай ўзгартириш, мустақиллик тамойилларини яратиш, ички ва ташқи сиёсат асосларини ишлаб чиқиш; миллий мафкура, миллий армия, миллий валюта бирлиги, эътиқод эркинлиги, тил масаласи, жаҳон ҳамжамиятидан узилиб қолмаслик муаммолари... ва яна ислоҳотлар, ишлаб чиқаришда узилишларга йўл қўймаслик, бозор муносабатлари шароитида аҳолини социал ҳимоя остига олиш... Мураккаблик шунда эдики, бу вазифаларнинг бирортасини ҳам кейинроққа суриб бўлмасди. Ҳаммаси ўз жавоби, ўз ечимини кутиб турарди. Тайёр андозалар йўқ, боз устига жуда кўплаб одамлар, ўрта ва қуйи бўғиндаги раҳбарлар ҳам ошкора иккиланиб турган бир пайтда энг тўғри йўл ва ечимларни топиш даркор эди. Турлича қарашлар, нуқтаи назарларни бемалол ўртага ташлайдиган, синаб кўрадиган, кейин хотиржам бир қарорга келадиган вақт эмасди, бундай қилишнинг мутлақо иложи йўқ эди. Яна боз устига, чор-атрофимизда, узоқ — яқинда «Ўзбекистон деганлари жуда қаттиқ кетди-ку, қани кўрайлик-чи, қаергача боришар экан», дея мийигида кулиб турганлар ҳам йўқ эмасди.

Вақт Ўзбекистон журъати асоссиз эмаслигини кўрсатди. Вақт яна биз ўзимизни ўзимиз ўз кучимиз, ўз имкониятимиз, салоҳиятимиз билан эплай олишимизни исботлади. Ҳалақит беришмаса, панд беришмаса, турли ғаразли ниятларни тиқиштиришмаса бўлгани. Мустақилликнинг бешинчи йилидаёқ айта оламизки, истиқлол сабаб олдимизда кўндаланг туриб қолган вазифаларнинг аксарият кўпчилиги бажарилди. Миллатнинг қадди тикланди. Қурилаётган буюк давлатимизнинг мустаҳкам пойдеворлари юзага келди. Тараққиёт ва ислоҳий жараёнлар бугун энди қайтмас тоғ дарёсидай олдинга интилмоқдаки, уларни ҳеч бир куч тўхтатиб, қайтариб қола олмайди. Яқинда собиқ СССРнинг собиқ президентидан «Бордию иттифоқ қайта тикланадиган бўлса, унинг таркибига барча иттифоқдош республикалар ҳам қайтишадими?», деган саволга шундай жавоб берди: «Болтиқбўйи ва Ўзбекистондан ташқари ҳамма қайтади». Ўзбекистон журъатига, мустақиллигимиз шиддатига ишончсизлик билан қараган ва ҳатто ошкора таажжубланган Миша амаки қутилмаганда бизни тан олиб қўйди: «Болтиқбўйи давлатлари, Ўзбекистон энди ўз йўли, ўз мавқеига эга мустақил давлатлардир».

Мустақиллик аввалида ишни нимадан бошлаган эдик? Бу саволга тўла жавоб қайтариш учун анча кўп қоғоз юзини қоралашга тўғри келади. Эътиборни энг муҳим нуқталарга қаратайлик. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг беш тамойилидаги журъатли жиҳатлардан бири — бу мулкка муносабат масаласи эди. Инқилоб бешигини ташлаб чиқиб кетаётган отасини мутлақо тушунмай турган инқилобчи фарзандга деярли ўхшаб қолган бизларни хусусий мулкка, мулкдорларга, булажак янги синф вакилларига тамомила янгича муносабат руҳида тарбиялаш вазифаси қўйилганди ушанда. Президентимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг «Юрт тўжжорлар билан ободдир», деган улуғ сўзларига ҳамоҳанг ҳолда ислоҳотлар тақдирини, демакки, мустақиллик ва тараққиёт тақдирини мулкни ҳибс занжиридан озод қилиш, мулкдорга эрк бериш зарурати билан боғлади (Академик Иззат Султон газетамизнинг ўтган сонида бу масалани жуда чуқур очиб берди). Шу аснода мулк яратувчилар — тадбиркору ишбилармонларнинг йўли очилди, ғовлар, тўсиқлар олиб ташланди, тазйиқлар барҳам топди. Кейинчалик хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги ташаббусларни, амалий ҳаракатларни рағбатлантиришга доир бир неча фармонлар эълон қилинди. «Бизнес-фонд» ташкил топди. Унинг зиммасига энг яхши, истиқболли лойиҳаларни, уларнинг муаллифларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш, жойларда, хусусан қишлоқларда тадбиркорлик инфраструктурасини ривожлантириш, бу ишга тегишли халқаро ташкилотларни, уларнинг сармояларини жалб этиш, тадбиркорларни зарур ахборотлар, технология билан таъминлаш, ривожланган мамлакатлар ишбилармонлари тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш вазифаси юкланди.

Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан маҳаллий солиқ олишда маълум имтиёзлар бериш ҳуқуқига эга, деб белгилаб қўйилди. Улар тадбиркорликнинг ҳудудий, узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли дастурларини ишлаб чиқадилар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятининг устивор йўналишларини белгилайдилар. Айни пайтда қонунларимизда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик ишига, тадбиркорларга, демакки мулкдорларга — янги синф вакилларига нисбатан муносабати, масъулияти ва жавобгарлиги ҳам очиқ-равшан белгилаб қўйилди. Бу ҳолатлар Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонунда янада мукаммал ифодаланди. Тадбиркор, агар у чиндан ҳам тадбиркор бўлса, нияти тоза, режалари асосли бўлса, ҳамма жойда қўллаб-қувватланиши, мурожаатлари ҳеч қаерда жавобсиз қолмаслиги керак.

Ҳозир республикада мулкни давлат тасаррафидан чиқариш ва хусусийлаштириш туфайли олинаётган тушумларнинг тенг ярми хусусий тадбиркорларнинг лойиҳаларини сармоя билан таъминлашга сарфланмоқда. «Бизнес-фонд» — «Мадад» суғурта агентлиги орқали амалга оширилаётган бу иш, хусусийлаштиришнинг жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб қараганда ҳам, эътиборга моликдир. Янада аниқроғи, бу бизда мулк эгалари ва мулкдорларга муносабат амалда ўзгараётганлиги, мулкдорларнинг пайдо бўлишидан, янги синф юзага келишидан давлатнинг ўзи ҳам манфаатдор эканлигидан далолатдир. Чунки бу синф қўлоч ёзиб олгач давлат зиммасидаги кечаги, бугунги жуда кўп вазифаларни ўзига олади, давлатнинг амалий кўмакчисига айланади.

Энди бир назар солайлик. Шунча имкониятлар берилган, шунча қонунлар қабул қилинган, имтиёзлар белгиланган экан, тадбиркорлар улардан қандай фойдаланмоқдалар? Умуман, бугунги тадбиркорлигимизнинг аҳволи, салмоғи, мавқеи қандай? Ялпи ислоҳотлар тақдири билан бевосита боғлиқ бу ишнинг унуми, ривожидан қаноат ҳосил қилишимиз мумкинми?

Бу саволларнинг айримларига яқинда муҳташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтган Ўзбекистон тадбиркорларининг қурултойида қатнашиб жавоб топгандай бўлдим.

«Ташаббус — 95» шиори остида ўтган бу танлов асосан икки йўналишда — йилнинг энг яхши хусусий лойиҳаси ва тадбиркорини аниқлаш, самарали режаларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилди. Унда бир йил аввалига нисбатан икки баравар кўп — 1400 дан зиёд киши қатнашди. Тошкент вилоятидаги «Шуҳрат LTD» хусусий илмий-ишлаб чиқариш фирмаси (директори Ш. Ҳакимов)нинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи техник жиҳозлар яратишга доир режалари «Йилнинг энг яхши лойиҳаси», деб топилди ва фирмага биринчи соврин сифатида 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Кўрик-танлов шуни кўрсатдики, тадбиркорлик иши аста-секин ўз мавқеини тикламоқда. Мамлақатимизда бугунги технологик жараёнлар, илмий-амалий ечимлар даражасида фикрлай оладиган, мустақил фаолият юргизишга қодир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларига эга тадбиркорлар, ишбилармонлар зарур даражада бор. Бухородаги «Совға» зардузлик маркази, Самарқанддаги «Боғи майдон» кичик корхонаси, Деҳқонободдаги «Воҳа» ҳиссадорлик жамияти, Яккабоғдаги «Импулс» фирмаси, Шурчидаги «Азвест» Ўзбекистон-Югославия қўшма корхонаси ва яна Тошкент вилоятидан «Лесконг» кўптармоқли корхоналари, тадбиркорлик ишида ўзини яққол намоён этаётган Андижон, Наманган ва Фарғонадаги бир қанча фирмалар фаолияти фикримизга далил бўла олади. Уларнинг аксарияти ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий мамлакатлар билан манфаатли ҳамкорлик қилмоқдалар, хорижий сармояларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Лекин, хусусий тадбиркорлик ишининг бугунги умумий аҳволи билан чуқурроқ танишиш, таҳririятга келаётган айрим мактублар таҳлили масаланинг бошқа жиҳатларини ҳам кўрсатади. Жумладан, тадбиркорлик — ҳамманинг ҳам қўлидан келаверадиган, шу соҳага кирган одамнинг ҳаммасига ҳам мўмай даромад улашаверадиган соҳа эмас. Афсуски, жуда кўплар хусусийлаштириш, шахсий фирмалар очиш баҳонасида озми-кўпми мулкка эга бўлиб олганлару элюрт манфаатларига мос келадиган, айтишга арзийдиган бирон бир иш қилаётганлари йўқ. Кўп ҳолларда бозор эҳтиёжи учун зарур бўлган бирон бир маҳсулот тайёрлаш ўрнига, ўз номи билан айтганда, тайёрига айёрлик қилмоқдалар. Бозорга келган маҳсулотни эшик олдида кутара савдо қилишга урганган бундай сохта тадбиркордан асли ҳеч қандай фойда йўқ, аксинча улар нарх-навонинг сунъий кўтарилишига ҳисса қўшади холос.

Иккинчидан, оддий уй-рўзғор буюмлари — пичоқ, кетмон, теша, ўроқ ясаш, ёғочдан, сополдан, ганчдан ишланадиган буюмлар, тикувчилик, каштачилик, чиланғарлик — булар қадим-қадимлардан бери мавжуд халқ ҳунармандчилиги, ҳамма вақт бўлган, бундай кейин ҳам бўлади. Бундай нарсаларни тарбиркорларсиз ҳам ишлаб чиқариш мумкин. Ҳақиқий тадбиркор қамровни кенгроқ олсин демоқчимиз. Ў бошқалардан кўра узоқроқни кўра олсин, баҳорда қишни, қишда баҳорни чамалай билсин. Ў бошқалар эътиборсиз қолдираётган нарсаларни кўра олсагина, фойдаланилмай ётган имкониятларни ишга солсагина, ишбилармонлиги билан таъминотдаги узилишларга, танқисликларга барҳам берсагина тадбиркор бўлади. Редакцияга келган мактублардан бирида ҳарбий хизматдан бўшаб келган ёш йигит шундай ёзади: «Мен ҳеч кимга ҳеч нима демай металл парчалари тўплаб ётибман. Кўчаларда, қаровсиз майдонларда, ҳовлиларда, экин далаларида металл деганингиз тўлиб-тошиб ётибди. Кредитга сармоя олсам тележкали трактор сотиб оламан-да, қишлоқма-қишлоқ, далама-дала юриб тўплайвераман. Бир кўрасиз, йиққаларимни Асакадаги заводга сотаман, ҳали бой ҳам бўлиб кетаман...»

Биз юқорида тадбиркорликка кенг йўл очилди, тўсиқлар, ғовлар олиб ташланди, дедик. Аммо, айтиш жоизки, ҳамма жойда ҳам олиб ташлангани йўқ. Яъни, бундай кишиларни хушламаётган, муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб бермаётган, мурожаатларни жавобсиз қолдираётган, гоҳо эса ошкора таъмагирлик қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу, асли, эски гап. Ҳамма замонларда ҳам уқувсиз, ишни эплай олмайдиган, ношуд кишилар миқти, ҳаракатчан, уддабуррон одамлар билан келиша олмаганлар, уларга ҳавас билан эмас, ҳасад билан қараганлар. Лекин, «шундай, азалдан бор», деб хотиржам юравериш ярамайди. Юртбошимиз нутқларида раҳбарликдаги бундай қусурларга қарши кескин курашиш бугун жуда муҳим эканлиги кўп бор таъкидланган.

Яна бир мулоҳаза. Тадбиркор ўзи яшаб турган жой, шаҳар, вилоят билан чекланиб қолмаслиги керак. Бундай кишилар, уларнинг ўюшмалари бугун энди хорижий мамлакатлар — АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, бу ёқда Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Эрону Покистон тадбиркорлари билан алоқалар ўрнатишлари, улар тажрибаларини ўзлаштиришлари зарур. Бу борада «Бизнес-фонд» олиб бораётган айрим ишларни, хусусан, ўзбекистонлик тадбиркорларни мазкур мамлакатларга хизмат сафарларига юбориш, малакаларини шу аснода ошириш тажрибаси ҳар жиҳатдан эътиборга моликдир. Четга чиққан киши ҳеч вақт қуруқ қайтиб келмайди — янги фикрлар туғилади, эришган натижаларини танқидий таҳлилдан ўтказиб, янги-янги ишларга бел боғлайди.

Ушбу сатрлар ёзилаётганда яқинда Ўзбекистон ва Россия тадбиркорларининг учрашуви бўлади, деган хабарни эшитиб хурсанд бўлдим. Бу учрашув улар учун ҳам, биз учун ҳам ғоят муҳим. Чунки, кўплаб тадбиркорларимизнинг нақд пулсиз, товар айирбошлаш йўли билан ишлашлари айни шу мамлакат билан боғлиқ. Ва, яна, айтиш зарурки, икки ўртада тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий асосларнинг ишлаб чиқилмаганлиги гоҳо бизга қимматга тушмоқда. Россия шаҳарларига мол олиб бориб, турли хил кўнгилсизликларга учраб, бўм-бўш қайтиб келаётганлар оз эмас. Шундай экан, биз бу учрашувдан амалий натижалар кутамиз.

Тадбиркорлар бирлашадиган пайт келди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

ФИКРЛАШУВ. Суратда: Наманган шаҳридаги «Дўстлик» савдо ишлаб чиқариш хўжалиги ташкилий бўлими мудири Маҳмуджон Абдуллаев, сотувчи Алихон Акбаров ва дўкон мудири Акром Убаев

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ОР-НОМУС ВА БУРЧ ТИМСОЛИ

Бир ролнинг уч талқини

Адабиётни улкан бир дарахтга менгзасак, унинг ўқ томирига тегиб, бутун вужудини, тану яproқларини титратгувчи бир ўлмас мавзу бор. Бу — уруш мавзуси. Одамлар урушнинг даҳшатли ҳалокатларини ҳамиша ёдда тутишлари лозим. Бунда, айниқса, саҳна асарларининг алоҳида ўрни бор. Шу маънода, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида устоз ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи сценарийси асосида спектакл қўйилгани айни муддаодир. Ушбу спектакл орқали биз яна бир бор яқин мозий билан юзлашдик. Ҳозир биз бу асар ҳақида, унинг ютуқ-камчиликлари ҳақида бирор гап айтишдан йироқмиз. Унда диққатимизни ўзига тортган нарса асарнинг бош қаҳрамони Икром образини яратган уч актёр бўлди. Ҳар уччала ижрони ҳам кузатиб шундай хулосага келдикки, уларнинг ҳар бирида қандайдир ўзига хослик, образга ўз характери, дунёқарашидан келиб чиқиб ёндашиш бор. Ана шу сабаб уч ажойиб актёр — Халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов билан учрашиб, бир неча савол билан мурожаат қилдик.

Дастлабки суҳбатдошимиз Ёқуб Аҳмедов бўлди.

— Ғалабанинг 50 йиллигига яхши бир асар тақдим этиш мақсадида кўп изландик. Тўрт-бешта асарни жамоа бўлиб ўқидик, лекин ҳеч бири маъқул келмади. Ниҳоят, севимли ёзувчимиз Саид Аҳмадга мурожаат қилдик. У киши тез кунда театримиз эшигини қоқиб келиб қолдилар. Театр жамоаси асарни яхши қабул қилди. Ҳозирда ўзбек режиссёрлари орасида кўзга кўриниб қолган истеъдодли санъаткор Олимжон Салимовни таклиф этдик. Шундай катта асар жуда қисқа муддат — бир ой ичида саҳна юзини кўрди. Спектакл бош қаҳрамони Икром урушдан қўлтиқтаёқда — битта оёғини фронтга ташлаб келган. Образнинг фожеаси шундаки, жону дилидан суйган, кўзининг оқу қораси, якка фарзанди Турсунбой—қочоқ. Бу эса яримжон Икром учун ўлим билан тенг. Чунки ҳамиша ҳам ўзбек оилаларида ор-номус, ватан олдидаги бурч туйғулари юксак даражада бўлган.

Пўлат САИДҚОСИМОВ: — Сирасини айтганда, Икром ота образида элнинг олд отахонини гавдалантириш керак эди. Ногирон Икром қўлтиқтаёқда уйига қайтсаки, жигарбанди Турсунбой йўқ, уни бағрига босолмайди. Охир-оқибат эса, ҳаётидаги яккаш умид нишонасининг хоинлиги маълум бўлади. Ўғлининг хоинлигини эшитиш Ватан йўлида қон кечиб келган бу одам учун катта фожеа эди. Икром ота поклдомон, ҳалол, мард инсон. Ундан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Бу образнинг менга ёққан асосий томони унинг дангаллиги, принципиаллигидир. Назаримда, бу образ нафақат ёшлар, балки катталар учун ҳам ўрнак бўлиб қолаверади.

Эркин КОМИЛОВ: — Ота — оиланинг посбони, хонадоннинг қўри, салобати, ҳар бир йигитнинг таянчи, белининг қуввати, билагининг кучи. Ота яратишни қодир табиатдан, фидойиликни боларидан, ғамхўрлик ва саховатни она заминдан, ғурур ва ифтихорни азим чинорлардан, саботни қоя тошлардан олган, десак муболаға бўлмас. Икром ролини ўйнаш насиб этгач, оталар табиатидаги юқорида айтиб ўтилган хислатларни, озми-кўпми, шу образга сингдиришга уриндим. Образ моҳиятини очишга қанчалик эришдим-эришмадим, томошабинларга ҳавола.

Кўриниб турибдики, ҳар уччала актёрнинг Икром образи ҳақида ўз нуқтаи назари бор ва уларнинг ҳар бири образга ўз имкониятларидан келиб чиқиб ёндошганлар. Энди бир вақтнинг ўзида уччала актёрнинг битта образ устида ишлаши қандай кечгани билан қизиқдик.

Пўлат САИДҚОСИМОВ: — Битта образни ҳар бир актёр ўзича кашф этади. «Уфқ» — довруқ қозонган асар. Телеспектакл ҳам қилинган. 1971 йили «Муҳаббат можароси» номли филм ишланган. Унда мен Маҳкам ролини ўйнагандим. Тўғри, бу киноасарда романдаги мазмун-мавзу бутунлай ўзгариб кетганди. Аммо ўшанда «Икромни ўйнайман», дея кўнглимга тўғиб қўйгандим. Ўша армон тугуни мана энди ечилди. Очиғи, бу ролни ўйнайман, деганлар кўп бўлди. Аммо Икром образи, назаримда, ёши жиҳатидан ҳам, характери ва дунёқараши жиҳатидан ҳам менга мосроқ туюлди. Эҳтимол, азалдан ўйлаб юрганим, ўзимга мос деб билганим учун ҳам ролга киришиб кетгандирман.

Эркин КОМИЛОВ: — Кучли драматургларимиз бор, бироқ драматик ва мураккаб характерли ролдар кам. Халқнинг олқиши — санъаткорнинг қамчиси, олдинга қараб ундайверади. Элнинг олқишига сазовор бўлиш учун эса эсда қоларли образлар яратиш керак. Ахир, дўппини бошдан олиб, ўйлаб кўрсак, санъаткорнинг бутун бойлиги халқ орасида топган обрўси билан ўлчанади-ку. Бизнинг театримиз Европа театрлари билан беллаша оладиган катта санъат даргоҳи. Шунинг учун мен ҳар бир образ устида жуда жиддий ишланаман. Икром образи билан ҳам шундай бўлди. Умуман, «Уфқ» — театрнинг катта ютуғи.

Фурсатдан фойдаланиб, бир масалага тўхталмоқчи эдим. Ҳамза номидаги театрдек катта даргоҳда бугунги кунда на бош режиссёр, на бош рассом бор. Менимча, ана шу ҳол баъзи ишларимизда панд бериб қолиши мумкин.

Ёқуб АҲМЕДОВ: — Ҳай-ҳай, азизим, халқимизда: «Қўлинг эгри бўлса, енг ичида», деган пурмаъно нақл бор-а. (Кулиб) Йўқ, йўқ, дейиш билан иш битармиди? Қаловини топиб қорни ҳам ёндиряпмиз-ку, ахир. Рости, мен ҳам кейинги икки йил ичида янги образ ярата олмагандим. Шунинг учун ҳам Икромни баҳоди қудрат ўйнашга уриниб кўрдим. Тсатрдаги аксарият кунларим ташкилий ишлар билан ўтиб кетади. Хитой файласуфи Конфуций «Ўтиш даврининг одамларига ачинаман», деганида минг карра ҳақли эди. Инчунин, биз актёрлар ҳам бўгун ўтиш даврининг иштирокчиларимиз. Лекин, барибир, Эркиннинг фикрига қўшилмай иложим йўқ. Икромга келсак, бундай образ устида ишлашни ҳар бир актёр орзулайди. Бундай ролларга ташнамиз. Тан олишим керакки, Пўлат ака ҳам, Эркин ҳам жуда маромига етказиб ижро этишди. Қанийди, Баҳодирдай режиссёрлар, Шароф Бошбековдай жонкуярлар онадан кўпроқ туғилсалар!

Икром образи устида ишлаш ҳар бир актёр учун оғир ва бирмунча мураккаб кечганини спектаклни кўрган ҳар бир одам чуқур ҳис этади, деб ўйлайман. Чунки оёқлари соппа-соғ бу актёрлар бутун спектакл давомида бир оёғи йўқ одам образини ижро этадилар. Баъзан икки оёғида саҳнада ўзини тутолмай, томошабинга мақсадини етказолмайдиган актёрлар учраб турганда, ҳар уччала санъаткорга тасаннолар айтгинг келади. Уларнинг ўзларидан бу ҳақдаги фикрларини сўрадик.

Эркин КОМИЛОВ: — Асти сўраманг, соғ оёқни орқага қайириб, яна қўлтиқтаёқларда юришнинг ўзи бўладими? Катта жисмоний куч талаб этадиган образнинг ҳу жиҳатларини эътиборга этиш эса, очиғи, менда образга таъна қилишдек таассурот қолдирмоқда.

Пўлат САИДҚОСИМОВ: — Синглимизнинг эътирофи бир жиҳатдан тўғри, Эркин. Рост-да, спектакл тугагандан сўнг анчагача ўзингга келолмайсан одам. Саҳнада бутунлай бошқа дунё таъсирида яшаймиз. Руҳиятимиз, онг, сезгиларимиз ўша персонаж руҳиятига гўё уйғунлашиб кетадимин-ей. Кўпинча тушларимда ҳам қаҳрамонларим билан ҳамсуҳбат бўлиб чиқаман.

Ёқуб АҲМЕДОВ: — Томоша тугагач, толган оёқларнинг титраши, қийналиб фикр юритишларимиз, соф эркин ҳаётга ўтиш қийин кечиши. Буларнинг барчаси том маънода санъатга алоқадор гаплар, албатта. Зеро, бу жиҳатлар бутун тану жони билан шу икки соатлик томошага ўзини бахш этолган, сохталикка йўл қўймаган артистларгагина хос фазилат.

— Энди икки оғиз Турсунбой ва жаннатмакон Жаннат она образлари ижодкорлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

Эркин КОМИЛОВ: — Саид Аҳмад ака онани бежиз Жаннат деб атамаганлар. Унинг бутун юмушлари, хатти-ҳаракатлари, қалби жаннатдай бир гўзал аёлда! Фикримча, Римма Аҳмедова ва Тўти опа Юсупова бу ролни қойилмақом қилиб ўйнаганлар.

Пўлат САИДҚОСИМОВ: — Дарҳақиқат, Жаннат қалбан покиза, меҳрибон ва заҳматкаш она образи. Бу аёлнинг ташқи кўринишигина эмас, қалби, ички дунёси мусаффо-да. Менимча, ҳар бир актриса бу образга ўзига хос ёндошган.

Ёқуб АҲМЕДОВ: — Тўғри гап, ҳар бир актриса ўз имкониятидан келиб чиққан. Турсунбой эса Ҳожиакбар Комилов, Фотиҳ Жалолов, Тоҳир Саидов каби ёшларимиз истеъдодининг янги қирраларини очишда муҳим омил бўлди. Шу ўринда кичик бир воқеа ёдимга тушди. Томошада она (Тўти Юсупова) ўғлини (Фотиҳ Жалолов) касал ҳолда чакалакзордан торта-торта четга олиб чиқиб, пана жойга қўядиган саҳнамиз бор. Фотиҳ келишган, гавдали йигит эмасми, Тўти опа шу саҳнада қийналиб торта бошладилар. Шунда саҳнага бир нуроний онахонимиз чиқиб келиб, актрисага ёрдалаша бошладилар. Пардани ёпишдан бошқа иложимиз қолмади. Шунинг ўзиёқ актёрларимиз ролларига нақадар жиддий ёндошганларидан далолат бериб турибди.

— Суҳбатларингиз учун ташаккур. Театр ижодкорларидан «Уфқ»дай чуқур, кенг мушоҳада юритишга чорлайдиган томошалар кутиб қоламиз.

Дилфуза АМИНОВА

МУШТАРАК МАДАНИЯТЛАР

Икки йилдан буён муборак Рамазон ойида Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали Миср Араб Республикаси кино ижодкорлари томонидан яратилган «Муҳаммадун Расуллулоҳ» видеофилмини томоша қиляпмиз. Дину диёнатдан сўйлагувчи бу филмни бизга тақдим этган Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот шўъбаси ходимларига Оллоҳнинг раҳматлари бўлсин. Шўъба раиси Муҳаммад Магди Дойф жаноблари ила суҳбатнинг боиси ана шунда.

— Магди жаноблари, ўзбекларда «Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш», деган мақол бор. Рухсатингиз билан мусоҳабамизни танишувдан бошласак.

— Қоҳира университетининг филология факультетини 1969 йилда тамомлагач, Миср Ташқи Ишлар вазирлиги оммавий ахборот воситалари бўлимида анча йил ишладим. Кейинчалик вазирликнинг чет эл журналистлари билан ишлаш шўъбаси раиси ҳам бўлдим. Шу аснода ўрис тилини ўргандим. 1993 йили Ўзбекистонда элчихонамиз иш бошлагандан буён унинг матбуот шўъбаси бошлиғи вазифасини адо этиб келмоқдаман.

— Кейинги пайтларда Ўзбекистонда Миср маданияти тарихи, маданияти, санъати ва бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи қатор филмлар, мақолалар яратилмоқда. Бу, шубҳасиз, икки мусулмон халқнинг ўзаро маънавий, айниқса, руҳий яқинлашувида катта аҳамият касб этади.

— Ҳақ гап. Қайсики халқни билмоқчи бўлсанг, аввало маданиятига назар ташла, дейдилар. Эътибор берсангиз, бизнинг халқларимиз маданияти ва тарихида муштараклик, уйғунлик сезилади. Шунинг учун ҳам биз ўзбек биродарларни маданиятимиз билан иложи борича кўпроқ таништиришга ҳаракат қилаётирмиз. Ўтган йилнинг кузида Тошкентда «Миср кино ҳафталиги» ўтказилди. Унда намойиш этилган филмлар халқингиз томонидан илиқ кутиб олингани бизга алоҳида қувонч бахш этади. Бундан ташқари, яқиндагина намойиш этилган «Уйимдаги бегона», «Виждон», «Таътил» бадиий филмларини, Миср санъати усталарининг концертларини тилга олиб ўтишни истардим. Айниқса «Муҳаммадун Расуллуллоҳ» кўп қисмли видеофилмининг нафақат Марқазий Осиё халқлари балки МДҲ бўйича илк бор Ўзбекистонда намойиш этилаётгани Мисрда ҳам анча шов-шувларга сабаб бўлди.

— Магди жаноблари, видеофилм ҳақида бир оз кенгроқ маълумот берсангиз.

— Филм 5 фасддан иборат бўлиб, ҳар фасли 30 қисмга бўлинади. Ўтган йили биринчи фасли , яъни 30 қисми телетомошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Шу кунларда иккинчи фасл намойиш қилинмоқда.Айни чоғда қолган фаслларни таржима қилиш давом этмоқда. Иншооллоҳ «Муҳаммадун Расуллуллоҳ» 2000-йилгача ҳар Рамазон ойида намойиш этилади. Шу ўринда бу хайрли ишни амалга оширишда фидойилик кўрсатаётган моҳир ўзбек таржимонларига, масъул лавозимдаги шахсларга, техник чегараданишларга қарамай катта ғайрат кўрсатаётган Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг кинокўрсатувлар дирекциясига, унинг раҳбариятига ташаккурлар айтаман. Видеофилмнинг энг аввал ўзбекларга тортиқ этилиши — Миср ҳукуматининг Ўзбекистонга бўлган ҳурмати ва муҳаббати рамзидир.

— Шу ўринда мамлакатингизда яқиндагина тузилган янги ҳокимият тўғрисида сўрамоқчи эдим...

— Миср Президенти Муҳаммад Ҳусний Мубарак йил бошида мамлакат Бош Вазири, доктор Атиф Сидқийнинг истеъфосин қабул қилди ва шу пайтгача Бош Вазир ўринбосари — Режалаштириш вазири лавозимида ишлаб келаётган доктор Камол ал-Ганзурийга янги ҳукумат тузишни топшириди. 4 январ куни янги ҳукумат ташкил топди. Унинг таркибига, Бош вазирни қўшиб ҳисобланганда, 32 вазир кирди. Улардан уч нафари аёллардир. Бу Миср тарихида илк бор бўлаётган воқеа. Собиқ Вазирлар Маҳкамаси 34 вазирдан иборат эди. Қарийб 9 йил давомида ҳукуматни бошқараётган собиқ Бош Вазир Атиф Сидқийнинг мамлакат олдидаги хизматлари юксак баҳоланиб, Президент Ҳусний Муборак фармонига кўра, у «Жумҳурият дури» ордени билан мукофотланди. Янги ҳукумат тузишда баъзи вазирликлар номлари ўзгартирилиб, вазифалари ва фаолият доиралари кенгайтирилди.

— Ўзбекистонга келиб англаб етган ҳақиқатингиз нима?

— Ўзбекларнинг бир-бирларига ғамхўр-меҳрибонлигига қойил қолдим. Тўй-ҳашамлардаги уюшқоқлигига ҳар қанча таҳсин айтсак кам. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ғамхўрдиклар, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тузилиши, у амалга ошираётган тадбирлар республикангизда олиб борилаётган снёсат халқчиллигидан далолат беради.

Турсунали АКБАРОВ суҳбатлашди

Руҳий иқлимлари

ШЕЪРКИ, ҲАМ ТУШТИ МЕНИНГ ШОНИМА...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов фақат навоийшунослик соҳасида эмас, балки ҳозирги замон ўзбек адабиётшунослигида ҳам кўзга кўринган йирик олимлардан. А. Ҳайитметов Е. Э. Бертелс, М. С. Андреев, И. П. Петрушевский, А. К. Арендс, С. Мирзаев каби атоқли шарқшунос олимлардан шарқ тиллари, шарқ халқлари тарихи ва адабиётлари бўйича таълим олган. Унинг «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари», «Навоий лирикаси», «Навоийнинг ижодий методи масалалари» монографиялари, «Навоий даҳоси», «Навоийхонлик суҳбатлари» китоблари республикамиздан ташқаридаги буюк шоир ижоди ихлосмандларига ҳам яхши маълум. Бугунги кунда олим ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг Навоий бўлимини бошқармоқда. Улуғ шоир таваллудининг 555 йиллиги муносабати билан мухбиримиз Абдуқодир Ҳайитметов билан учрашиб суҳбатлашди.

МУХБИР: — Замон ўзгариши билан бурунги қарашлар, таҳлил ва тадқиқ принциплари ҳам муайян ўзгаришларга юз тутаётгани тайин. Бироқ Алишер Навоийдек даҳо санъаткор ижодини ўрганиш борасида амалга оширилган ишларнинг ҳаммасини ҳам эски методология асосидаги илмий изланишларга йўйиш ўринли бўлмаса керак?

А. ҲАЙИТМЕТОВ: — Очиғини айтиш керак, ҳозиргача, аксарият ҳолларда, Навоий ижодини сиёсийлаштириб талқин этиб келдик. Масалан, шоирнинг беҳисоб ғазалларидан 3—4 таси шайхлар ҳақида. Биз шуни олиб, бўрттириб кўрсатишга, асосий эътиборни шунга қаратишга уриндик. Ваҳоланки, ўша саноқли ғазалларига ҳам шоирнинг барча ғазалларида акс этган ғоявий-бадиий мезонлардан келиб чиқиб ёндошиш лозим. Чунки «Хазойинул-маоний»дан 2600 ғазал жой олган. Навоийгача ҳеч ким ўзбек тилида бунча ғазал битмаган, унинг каби шеърий турларни ривожлантирмаган. У «Хазойинул-маоний» таркибидаги тўрт девондан бирини яратганида ҳам адабиётимизнинг буюк намояндаси бўлиб қолаверар эди. Бу улкан мажмуада ўз умрини тўла шеъриятга бағишлаганини баён этиб шоир шундай ёзади:

Сарф эттим анга умр
баҳорин доғи,
Бўстони ҳаёту лолазорин
доғи,
Оллида хазони зар нисорин
доғи,
Кофур фишон қиш билан
қорин доғи.

Шундай гап бор: Алишер Навоий ижодининг чўққиси «Хамса» дейишади. Бу гапга мен қўшиламан. «Хамса»да шоир истеъдоди, санъатининг қудратини кўрсата олган. «Хамса»га Навоий умрининг икки йилини (1483—1485) сарфлаган. «Хазойинул-маоний» эса унинг бутун умрининг меваси. Менинг назаримда, Навоий ижодини ғоявий-тематик, ижчил таҳлил қиламан деган киши ишни «Хазойинул-маоний»дан бошлаши лозим. Биз ҳали девоннинг тўла талқинини бера олишга эришганимиз йўқ. Ҳозиргача бу борада қилинган ишлар девоннинг тўртдан бир қисмигагина тегишли бўлиши мумкин.

Яқин ўтмишдаги тадқиқотларда ҳукмрон мафкура белгилаб берган методология таъсири аниқ сезилиб туради. Бироқ ўша давр навоийшунослигида қўлга киритилган ютуқлардан кўз юммаслигимиз даркор.

МУХБИР: — Улуғ шоирни ўз даври ва муҳитидан ажратиб қараш, асарларидан «замон учун яроқли» ўринларини узиб олиш ва бу парчаларни тарихий, адабий жиҳатдан асосламай, субъектив талқин қилиш, ҳатто йирик нашрлардан ҳам («Насойимул-муҳаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби асарларини) тарашлаб чиқариш шўролар даврида одатга айланган эди. Ўша пайтлардаги чиқишларингиздан бирида: «Замонавийлаштирилган, йигирманчи аср кийими кийдирилган, таъбир жоиз бўлса, соқол-мўйлови тарашланган Навоийни синчков ва зийрак китобхонга рўбарў қилишдан уялмаймизми?» деб ёзган эдингиз. Навоий ижодидаги муаммолар, янгидан баҳоланиши лозим бўлган асосий жиҳатлар нималарда?

А. ҲАЙИТМЕТОВ: —Биз шу пайттача Навоийнинг ахлоқий меросини, унинг замонавий аҳамиятини очишга етарли даражада эътибор қаратмадик. Шарқ ўрта асрлари муҳитида Навоий ижодини баҳолашга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, улуғ шоиримизнинг ва унинг асарларининг «Қуръон» ва ҳадисларга муносабати биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Аслида ҳам унинг бутун ижоди ва айни пайтда ҳар бир асари «Қуръон» ва ҳадислар ғоялари билан суғорилган. «Қуръон» ва ҳадислар жуда улкан региондаги халқларнинг ҳаётида, турмуш тарзида ўз аксини топган. Демак, биз Навоий ижодини ислом қадриятлари билан боғлаб ўрганса, ишларимиз пухта бўлади. Шу ўринда бир мисол келтирайлик:

«Раҳмон сураси»даги: «Қуёш ҳам, ой ҳам (аниқ) ҳисоб-ўлчов билан (жорий бўлур)», деган жумладаги фикр диққатга сазовордир. «Ҳижр сураси»даги 85-оятда: «Биз осмонлар ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ қонун-қоида билан яратдик», дейилса, «Наҳл сураси» бошида: «У (Худо) осмонлар ва ерни ҳақ (қонун) билан яратди», дейилган.

Бу хил «Қуръон»даги теран фикрлар шарқ алломалари, шу жумладан, Навоий учун ҳам катта маънавий озиқ бўлиб, шоир борлиқ ва ундаги ички қонуниятлар ҳақида мулоҳаза юритганда шу манбаага суянган, ундан илҳомланган. Навоий оламнинг бирлиги, ундаги қатрадан тортиб океангача, заррадан бошлаб қуёшгача бўлган нарсаларнинг Худонинг иродаси билан ўзаро боғланганини, ўзаро пайвандлиги ва бирига мувофиқ ҳолда ҳаракатда эканлигини «Ҳайратул-аброр» достонида шундай тасвирлайди:

Қатрағача қулзуми заҳҳордин,
Заррағача шамсаи заркордин,
Они мунга, муни онга банд
этиб,
Бир-бирига барчани пайванд
этиб,
Воситалар бўлди аён тў-
батў,
Бир-бирига боғланибон мў-
бамў,
То тикилиб ушбу бийик
боргоҳ,
Бўлди муҳайё бу улуғ
коргоҳ.

Ҳадисларда: «Бўлиниб кетишдан сақланинглар», «Кимки кўпчиликдан ажралса, дўзахга йўл олган бўлади», дейилади. Бу фикр аввало «Қуръон»нинг 43-ва бошқа сураларида ҳам айтилган. Навоий замондошларидан бири ўз юртини ташлаб бошқа бир мамлакатга кетганда, ачиниш ва нафрат билан қуйидаги рубоийни ёзган эди:

Эл қочса бировдин, эл ямони
бил они;
Аҳволида идбор нишони бил
они.
Феъл ичра улус балойи жони
бил они:
Олам элининг ямон-ямони
бил они.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мўқаддас диний китоблар билан яқинлик Навоийда кўпроқ хулқ-ахлоқ масалаларидан кўринади.

МУХБИР: — Шоир ижодига умуминсоний қадриятлар асосида ёндошиш, ҳар ҳолда, унинг таржимаи ҳолини, ҳаётини, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишда янгиликлар олиб кирса керак?

А. ҲАЙИТМЕТОВ: — Албатта. Унинг ижодини чуқур ўрганиш орқали шоирнинг биз билган таржимаи ҳолига, фаолиятига ҳам кўп янгиликлар, аниқликлар киритиши мумкин. Бу ўринда айтиш жоизки, муаллифнинг «Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга...» сатри билан бошланадиган ғазали бунга бир ёрқин мисол бўла олади. Бу ғазалда акс этган шоирнинг кечинмалари, Машҳадда мусофирликда юриб ўқиган кезлар — булар барчаси ҳали унинг ҳаётида бизга номаълум бўлган қирраларни ойдинлаштириши шубҳасиз.

Шоирлик Навоийнинг зуваласида, табиатида бўлиб, у ўзининг ҳаётини бу касбнинг машаққатларисиз тасаввур эта олмасди. Шу маънода унинг «Ҳайратул-аброр»да ўзини парвонага, телбага, шеърни эса парвонага келиб уриладиган ўтга, болаларнинг тош отишига ўрганиб қолган телбага қиёслаши ғоят шоиронадир:

Ўт аро парвонаға девонавор
Кирмагига қайда эрур ихтиёр.

Телбанинг атфол тоши ёраси
Емагидин борму дурур
чораси?

Шеърки, ҳам тушти менинг
шонима,
Ул ўту бу тош дурур жонима.

Гарчи Навоий ҳаёти ва фаолиятини ёритиш борасида кўп ишлар қилинган бўлса ҳам, ҳали шоир таржимаи ҳоли тўлатўкис яратилди, бу масала билан боғлиқ муаммоларнинг ичичига кирилди, деб айта олмаймиз.

МУХБИР: — Мана, Навоий «Мукаммал асарлар тўплами»нинг чоп этила бошлаганига ҳам бир неча йил бўлди. Йигирма жилдлик бу нашрнинг ҳозирча ўн бир жилди босмадан чиқди, холос...

А. ҲАЙИТМЕТОВ: — Нашрнинг ўн биринчи жилди «Фан» нашриётида чиқиб тўхтаб қолганининг асосий сабаби қоғоз танқислигида. Бу оддий нашрлар эмас, анча-мунча харажат талаб қилади. Ишнинг юришиб кетишига ишончимиз бор. Бу борада Республика Вазирлар Маҳкамаси Фармойиш чиқаргани айни муддао бўлди.

Кейинги жилдларга келсак, ўн иккинчиси - «Лисонут-тайр» ва ўн учинчиси — «Мажолисун-нафоис» нашрга топширилган, қолганлари ҳам тайёр. Бу ишда Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти ва Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти олимлари ҳамкорлик қилишмоқда.

Умуман, улуғ шоиримиз ижодининг ушбу нашри маданий ҳаётимизда катта воқеа, десак арзийди. Унда Навоийнинг барча асарлари, бирор-бир сўзи тушириб қолдирилмаган ҳолда, илмий изоҳлар билан босиляпти.

МУХБИР: — «Навоий қомуси» ҳақида нима дейсиз?

А. ҲАЙИТМЕТОВ: — Биз 1986—1991 йиллар мобайнида «Навоий қомуси» бўйича кенг қўламда иш олиб бордик. Уни тайёрлашда Республикамиз ва ундан ташқаридаги таниқли олимлар иштирок этишди. Қомус учун мўлжалланган икки мингдан ортиқ мақола ёзилди. Бу хайрли ишда барча етакчи навоийшуносларнинг иштироки бор. Қомусни нашр этиш учун тахрир ишларига ҳам киришилган эди. Афсуски, бу борада ҳам қоғоз танқислиги панд бераётир.

Шу ўринда таассуф билан айтиб ўтиш лозимки, Адабиёт институтининг Навоий бўлимида тайёрланган «Навоий ва Ислом» номли янги тадқиқотлар тўплами нашри ҳам тезлашса яхши бўлурди. Бу тўпламда навоийшуносликда янги методология асосида иш олиб борилгани кўзга яққол ташланади.

МУХБИР: — Модомики, ўзингиз раҳбарлик қилаётган Навоий бўлими ҳақида сўз очдингиз. Шу бўлимнинг фаолияти, режалари борасида тўхталсангиз.

А. ҲАЙИТМЕТОВ: — Навоий асарларининг йигирма жилдлиги устида иш олиб бориш ва бунга етук матншуносларни жалб этиш билан бирга, биз 1996 йили «Навоий асарлари поэтикаси» тўпламини нашрга тайёр қилишни мўлжаллаганмиз. Бу ишимиз, шубҳасиз, навоийшуносликда янги гап бўлади, деб ўйлайман. Шу билан бирга бўлим икки жилддан иборат «Ўзбек панд-насиҳат адабиёти» хрестоматиясини тайёрлади. Унда Алишер Навоийга кенг ўрин берилган. Ҳажми қирқ босма табоқ. Маълумки, биз 70-йилларда беш жилддан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи»ни тайёрлаб, нашр этгандик. Бугунги талаблар асосида ана шу «Тарих»нинг янги нашрини тайёрлашга киришганмиз. Бу ишимиз аср охиригача битиши керак.

Иқтисодий етишмовчиликлар бирёқли бўлар, бироқ бизда мумтоз ўзбек адабиёти бўйича мутахассислар камчил. Шуни инобатга олиб ёш, иқтидорли мутахассислар тайёрлаш ҳам кун тартибида турибди.

МУХБИР: — Неча йиллардан бери Алишер Навоий адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий анжуман бўлиб ўтади. Бугунгиси ана шундай йиғилишларнинг галдагиси. Анжуманларнинг бу зайлда ўтишида уларнинг дастурида бир хиллик сезилмайдими?

А. ҲАЙИТМЕТОВ: — Бу саволингизга жавоб тариқасида бугунги анжуман дастурига киритилган маърузаларга эътиборингизни қаратсам: «Навоий замондошлари ва маънавият», «Маҳбубул-қулуб»да тасаввуф мақомлари талқини», «Навоий ва футувват», «Навоий ижодиётида «Анал-ҳақ» ғояси», «Навоий шеъриятида қаландар тимсоли...». Менинг назаримда, бундай мавзулар нафақат улуғ шоир ижоди билан, балки умуман, шарқ фалсафаси, маданияти тарихи билан қизиқанларни ҳам бефарқ қолдирмаса керак. Шу фактнинг ўзи ҳам биз — навоийшунослар улуғ шоир ижодига, Истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, янги тамойиллар асосида ёндоша бошлаганимиздан далолатдир.

Навоийнинг адабий ва илмий мероси юртдошларимизни поклик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда. Шоир «Мезонул-авзон» асарининг тугалланиш қисмида ўз асарларининг, хусусан, шеърий асарларининг мангуликка дахлдор бўлишини, токи фалак айланиб, кунлар ҳосил бўлавераркан, инсонларда шеърга ҳавас сўнмас экан, токи шеърлар ёзилиб, ўқилиб тураркан, улар жамиятда, бутун дунё халқлари орасида тартиб ва интизом ўрнатишга хизмат қилишини орзу қилган эди:

То чарх давойиридин ўлғай
айём,
То шеър хаёлотиға йўқтур
анжом,
То байт тарокибида бўлғай
ибҳом,
Топсун назминг била жаҳон
аҳли низом.

Бу орзулар энди чиндан амалга ошмоқда. Навоий доим биз билан. У ҳар соҳада бизга устоз ва ўрнак. Унинг нурафшон адабий ва илмий мероси эса халқимиз учун йўлчи юлдуздир.

Суҳбатдош А. ОТАБОЕВ

ТИЛ БОЙЛИГИНИНГ НАМОЙИШИ

Алишер Навоийнинг ўлмас ижоди ҳаётлигидаёқ маълум ва машҳур эди. Шоирнинг асарлари Абдужамил ва Султон Али Машҳадий каби донг таратган ҳаттотлар томонидан юксак дид, маҳорат билан олий нав қоғозларга кўчирилгани ҳам уларнинг тез тарқалиши, юксак баҳоланишига сабаб булган. Бу қўлёзмалар ўз замонида Хуросон, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Эрон, Шарқий Туркистон, Ҳиндистон, Миср, Туркия каби мамлакатларга тарқаган. Улар ҳозир Осиё, Европа ва Американинг машҳур кутубхона ва музейларида сақланади. Бизга Навоий асарларидан кўчирилган 200 дан ортиқ қўлёзма маълум. Бир сўз билан айтганда, Лутфий, Саккокий, Атоий, Дурбек асос солган ўзбек адабий тилини Алишер Навоий янада юқори поғонага кўтарди.

Ҳазрат Навоий услуби ўз даври туркигўй шоирлари учунгина эмас, кейинги асрларда яшаган шоирлар учун ҳам бир намуна бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам XV—XVIII асрларда ижод этган шоир ва ёзувчиларнинг адабий асарлари эски ўзбек адабиёти, тили эса эски ўзбек тили, деб таърифланади. Эски ўзбек адабиёти маълум бир ғоявий йўналишдаги адабиёт бўлиб, ўзига хос услуб ва тил хусусиятларига эгадир.

Бобур Алишер Навоий ҳақида гапириб, унинг тили Андижон шевасига ўхшашлигини айтади. Андижон шеваси (лафзи) эса ёзма адабий тилдан кам фарқланарди. «Бобурнома»да: «Элининг лафзи қалам бирла росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур», деб ёзган. Машҳур шарқшунос Н. И. Ильминский ҳам Бобур фикрини тасдиқлайди: «Мир Алишер асарларидан намуналар олиб, Бобур ҳам адабий башангликка (шегольство) даъво қилмай, узининг қардош Андижон шевасини имконияти борича тозалигича сақлашга ҳаракат қилди».

Алишер Навоий тилининг тадқиқотчиларидан бири Баҳром Бафоев Навоий асарларидаги сўзлар билан унгача ўтган Лутфий, Саккокий, Ҳусайний ғазалларида ишлатилган сўзларни қиёслаб чиққан ва қуйидаги хулосага келган: «Навоийда ўзбекча (туркча) сўзлар 55 фоиз, арабча сўзлар 20 фоиз, форс-тожикча сўзлар 19 фоиз. Лутфийда — 71 фоиз, 16 фоиз, 9 фоиз. Ҳусайнийда 60 фоиз, 17 фоиз, 16 фоиз». Бироқ шундай булишига қарамай, Навоий асарларининг тили шоир яшаган ва ижод этган иккиуч тилли Хуросон аҳли учун тушунарли бўлган.

Шу билан бирга, Навоий тилига баҳо берганда, орадан ҳозиргача ўтган 500 йилдан ошиқ вақтни ҳисобга олиш керак. Бу орада Навоий даври учун тушунарли бўлган кўплаб туркий (ўзбек) сўзлари архаиклашганини, истеъмолдан чиққанини, кўплаб араб ва форс сўзлари, иборалари ўзбекча сўз ва иборалар билан алмашганини ёки туркча (ўзбекча) сўзлар ўрнига араб ва форс (тожикча) сўзлари қўлланганини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Муҳим томонларидан яна бири шуки, Навоий даврида кўпчилик шоир ва ёзувчилар, ўзлари турк (ўзбек) бўлсалар-да, форсигўй бўлишган. Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон» асарида кўрсатиб ўтилган 400 шоирдан фақат 20 тасигина туркий (ўзбек) тилда ижод қилган. Чунки форс-тожик тили юз йиллар давомида буюк шоирлар томонидан ишланган, маълум бир қолипга тушган.

Алишер Навоий туркий (ўзбек) тилида гўзал асарлар ижод қилиш мумкин эканини амалда кўрсатди ва туркий тилнинг гўзал хислатлари ҳақида махсус назарий «Муҳокаматул луғатайн» асарини яратди.

Навоий асарларининг услуби — бу, ўзбек тили ва ёзма адабий тил услубининг шаклланишига оид масаладир. Маълумки, Навоий турк тилининг қудратини кўрсатиш учун бу тилнинг бой ички имкониятларидан усталик билан фойдаланди, форс ва араб тилларининг туркий тил услубига яқин услуб хусусиятларини туркий (ўзбек) тилга киритди. Шунга қарамай, Навоий тилида қўлланган арабча, форс-тожикча сўзлар ва ибораларни ўқувчиларга ва бошқа туркий халқларга талқин қилиш зарурияти Навоий замонидаёқ туғилган эди. Бунинг учун аввало шоирнинг ўзи, (Огаҳ Сирри Левенд ва Ҳамид Араслининг ҳабар беришича), арабча-туркча (ўзбекча) луғат тузади. Улуғ шоир асарларининг кенг тарқалиб, бемалол тушунилиши учун Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги давридаёқ Навоий асарлари буйича луғат тузиш бошланган. Махсус топшириқ билан Толи Имоний Ҳиравий «Бадое ал-луғат» асарини яратади. Навоий асарларини талқин қилган бундай луғатлар кейинги асарларда ҳам яратилди.

Ҳазрат Навоий асарлари буйича луғат тузиш ҳозиргача давом этаётир. (П. Шамсиев ва И. Иброҳимов, шунингдек, Э. Фозиловнинг луғатлари шулар жумласидандир).

Алишер Навоий узбек (туркий) тилининг дилбар, гўзал тил эканлигини кўрсатиш учун бу тилнинг бой имкониятларини намойиш қилди, арабча, форсча сўз ва ибораларидан усталик билан фойдаланиб, уни янада мукаммаллаштирди, юксак поғонага кўтарди.

Ғани АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзР ФА мухбир аъзоси

ЭҲТИРОМ

Бугун Узбекистон пойтахтининг Алишер Навоий кўчасидаги шоирлар хиёбонида анъанавий навоийхонлик булиб утди. Республика адабий жамоатчилиги намоёндалари улуг шоир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Шоирлар Жуманиёз Жабборов, Ойдин Ҳожиева, Барот Бойқобилов, Абдували Қутбиддин, Муҳаммад Юсуф ва бошқалар Навоий ғазаллари ва аллома шоиримизга бағишланган шеърларидан ўқидилар.

Анъанавий навоийхонликни Узбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Узбекистон халқ шоири Абдулла Оринов бошқариб борди.

Ҳусайн БОЙҚАРО

«РИСОЛА»ДАН

... Ва лекин маъноний абкори (пок вужуди)га ҳеч ким бу кунгача туркона (узбекона) либос кийдирмаган, ва ул нозанинларни бу зебо хилъат била жилваи зуҳрга келтирмагандур. Ва мушкбўй раъналар табъи ниҳоний хонасида урёнликдир маҳжуб (ҳижобли) қолгандиру, бу ҳурваш зеболар ҳулласизликдан (белибосликдан) жилвай ноз қила олмагандурлар. То бу фархунда (шодона) замону, бу ҳужаста (бахтиёр) давронким, бу нотавоннинг (Ҳусайн Бойқаронинг) байрилик (чақалоқлик) қунимдан ул чодирий киши-қорам (темурийларга тегишли, яъни, Навоий) қуллуқ силкидин қукалтошлик (эмуқдошлик) поясига етган ва мулозамат тариқидин мусоҳабат (суҳбатдошлик) сармоясин касб эттан... ҳақ сўз адосида далер (жасур), яъни, Мир Алишер, «аслаҳаллоҳу шаъноҳу» (Аллаҳ унинг шаънини гузал қилсун) ким, тахаллуси Навоийга машҳурдуру, ашъорида бу тахаллуси мастур, турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси била руҳ кивурди (киритди). Ва суз гулистонида навбаҳори табъидин равоносо ғиннлар била ранго-ранг гуллар очти ва назм дарёсига саҳоби фикратидин (тафаккури булутидан) руҳпарвар қатралар била гуногун дурлар сочти. Анинг назми васфида тил қосиру ва баён ожиздир...

Хотирга ўзининг (Навоийнинг) маснавийларидин неча байт келурким, бу маънода назм қилибтурур ва ул маснавий будур:

Мен-ул, менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур,
Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий каби назм аро қодире.
Не назме дер эрсам, мену дарднок —
Ки ҳар лафзи бўлғай анинг дурри пок.
Худо еткурур онча суръат манга,
Ки бўлмас борисиға фурсат манга.
...Ўттуз йилки, ани Низомий демиш,
Қошимда эрур икки-уч йиллик, иш.
Қачон они дайр базмини тузғаймен,
Демакки, халойиққа кўргузғаймен...

ШОИР ЛИРИКАСИДА ТАМСИЛ САНЪАТИ

Денгизнинг бир томчи сувида денгиз сувининг барча хусусиятлари аён бўлгани каби, Навоий шеърият уммонидан олинган битта бадиий санъат — тамсилда улуғ шоирга хос услуб ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

«Тамсил» сўзи арабча бўлиб, луғавий маъноси **мисол, мисол келтириш, нима биландир тенглаштириш, тасвир, ўхшатиш, ҳикоя, мақол, подшо фармони** каби маъноларни англатади. Тор маънода тамсил бир бадиий санъатнинг номи. Тамсил орқали шоир бадиий каломда фикри, мақсади, ғояси, даъвосининг исботи ва тасдиғи учун шахсий тажриба ҳамда кузатишларидан; ижтимоий ҳаётдан, табиатдаги унсур ва манзаралардан мисол келтиради. Бу эса маънони кучайтиради, шеърда фалсафий, таълимий руҳни оширади.

«Хазойинул-маоний»ни кўздан кечирар эканмиз, тамсил Навоий лирикасининг фақат маълум даври учунгина эмас, балки бутун ижодига хос бўлган етакчи поэтик санъат эканига гувоҳ бўламиз, бу эса, лирикада реалистик тасвирни кучайтиради. Шоир тамсилларининг асосий қисми «Ғаройибуссиғар» девонидан ўрин олган. Қўлланиш хусусиятига кўра, тамсил ғазалдаги мазмун, фикр билан бевосита боғлиқ бўлиб, гоҳ бир байт, гоҳ бир неча байт поэтикаси асосига қурилган, бироқ ғазални бошдан охирига қадар тамсил тизимида бериш ҳоллари учрамайди. Кўп ўринларда шоир тамсилни маънавий санъатлардан ирсоли-масал, ташбеҳ, таносуб, ҳусни таълил, талмеҳ билан бирга қўллайди ва улар ёрдамида тамсил асосланган бадиий фикр ойдинлашади.

Мисолларга мурожаат этайлик:

Оразингнинг ламъаси қуйдурди
сабрим хайлини,
Барқи офат чақилиб ул
карвонга тушти ўт.

Яъни: жамолингнинг шуъласи сабрим тўдасини қуйдирди. Тўсатдан чақмоқ чақиб карвонга ўт тушди. Ёки:

Шикебу сабр хайли иттилар,
еткач манга номанг,
Начукким, карвон боғлар
сафар рахтин нишон олғач.

Яъни: номанг менга етгач, чидам ва сабр тўдасига тўзим етди, карвон юқоридан фармон олгач, сафар юкини жўнашга тайёрлайди. Қадимда, жумладан, Навоий даврида ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам карвонлар мамлакат ва халқлар турмуш тарзининг, иқтисодий-сиёсий ҳаётининг муҳим жиҳати бўлган. (Буюк Ипак йўлини эслайлик). Биринчи мисолимиздаги байтда карвонга чақмоқ-ўт тушиб, ўт кетиш ҳодисаси ҳаётда камдан-кам учраши мумкин. Шундай ҳодисани шоир эшитгандир, балки гувоҳи бўлган, ҳар ҳолда бу шов-шувларга сабаб бўладиган воқеадир. Навоий ушбу ҳодисани тамсилнинг ҳосила элементига тортиб, «Қоши туркона, қабоғи кенг, кўзи қиймоч» маъшуқа ҳажридаги ошиқнинг изтиробини, ҳолатини чиройли асослаган.

Кўз қорачигининг вазифаси ва ўрни билан боғлиқ тамсил ҳам таъсирли:

Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза
доғи била,
Нечукки, кўзда ёруғлуғ эрур
қароғи била.

Яъни: пок ишқ равшанлик ҳадя этади. Бу талқин кўз қорачигининг инсон ҳаётидаги ўрни ва вазифасини келтириш билан далилланган. Айни чоғда байтда маълум даражада илмий ахборот ҳам йўқ эмас. Тиббиёт ҳақидаги китобда ёзилишича, кўз соққасининг ичига кирадиган ёруғлик оқимини ва тасвир равшанлигини кўз қорачиғи бошқарар экан. Демак, пок ишқ бўлса, қўнгил равшан, енгил руҳ фақат раҳмон дейди. «Поклик, тозалик иймоннинг бир тури», дейилади ҳадиси шарифларда. Шоир жумлаи мўминни пок ишқ соҳиби бўлишга даъват этади.

«Қуръон»ни қироат қилиш билан боғлиқ тамсиллар фақат улуғ шоиримизда учрайди. Буни биз бошқа шоирларда учратмадик. Бу ҳам Навоий бадиий маҳоратининг ўзига хос томонини англашга ёрдам беради. Масалан:

Гар каломингни Масиҳ анфоси
дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат тоҳе
тушар Қуръон аро.

Маълумки, «Қуръон»ни кўчиришда ҳаттотлар ва ўқишда қорилар баъзи жузъий хатоликларга йўл қўйган булишлари мумкин. Бу ўринда халқнинг «Қуръон—мўъжиза, банда— ожиза», деган ҳикматли сўзларини эслаш жоиз. Бу байт ҳақида яна бир таъкид шуки, биринчидан, «ғалат», сўзи иҳҳом санъати бўлиб келса, иккинчидан, шоир биринчи мисрада очиқ талмеҳ қўллаб, ўликларга қайта жон ато қилувчи Масиҳ нафасига ҳам ишора қилади.

Чиндан ҳам Навоий шеърияти бир уммон, бу уммондан ҳар ким ўз имкони даражасида баҳра олади. Юқорида биз келтирган мисолларнинг ўзи ҳам тамсил Навоий лирикасида сон ва сифат жиҳатидан мукаммалликка эришган, деб хулоса чиқаришга ҳуқуқ беради.

Робия РАЖАБОВА,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг илмий ходимаси

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, берур ҳабар жонга жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Инсонга роҳат бахш этувчи ҳам, уни маҳлуқдан ажратувчи ҳам сўздир. Демакки, бу оламда сўз бисотидан ҳам бойроқ хазина йўқ. Бу ҳақда бобокалонимиз Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари юқоридаги байтларни битмишлар.

Дарвоқе, не учун сўзга бунчалар юксак баҳо берилган? Сўзда қандай сеҳр бор? Йўқ, ҳеч қандай сеҳрли сўз йўқ, бироқ уни сеҳрловчилар бор. Улар оддий, бежилва сўзларни сеҳрлаб, кўзни қамаштирадиган, жонга ором берадиган байтларни яратишади. Бу байтлару ғазаллар инсон дилини забт этиб, қанчаданқанча кўнгилларни шайдо қилади. Натижада, халқ бу байтларни, ғазаллару достонларни нодир ва ўлмас асарлар сифатида ардоқлаб, уларнинг ижодкорлари — сеҳргар — шоирларни даҳога айлантирадилар.

Ҳар бир элнинг ўз даҳоси бор. Ўз даҳоси дейишимизга сабаб, бу одамлар ўзи туғилиб ўсган жойнинг, миллатининг, қардош ва биродарларининг юзини ерга қаратмай, аксинча, оламга улар шуҳратини ёяди. Бу даҳоларни «ўз миллатининг даҳоси» дейиш билан бирга, «ёруғ олам чироғи» десак ҳам бўлади. Чунки, бундай даҳолар жаҳонга юз, балки беш юз, эҳтимол минг йилларда бир келишади. Келишадию халқ маънавиятини бойитиш йўлида курашишади ва бу мақсадларини неча асрлар оша халқ онгига сингдиришади. Озар уғлони қадлини ғоз тутиб, Фузулий девонини қулидан қўймай юрганида, ҳиндистонлик маърифатпарварлар Кабир шеърлари сеҳри устида мунозаралар олиб боради. Олмон фарзанди «Фауст»ни қанчалар синчиклаб ўрганса, италияликлар «Илоҳий комедия» сирларини шунчалар очишга интиладилар. Ҳа, ҳар бир халқ ўз даҳоларининг авайлаб асралган асарларини қўлдан қўймай ўқийди. Биз-чи? Туркий халқлар, ким билан фахрланмогимиз керак? Албатта, бу хусусда баҳс кеттанда муҳтарам шоиримиз Эркин Воҳидовдан утказиб бир сўз дейиш қийин:

Менга Пушкин бир жаҳону,
менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
кўксим осмон ўзбегим.

Дарҳақиқат, бобомиз ҳазрат Навоий бирла ҳар қанча фахр этсак арзийди. Ул зотнинг бизга, бугунги толибларга мерос қилиб қолдирган асарларида чуқур маъно, фалсафа, санъат, тарих яширинди. Шунинг учун ҳам биз бу нодир асарларни кўзимиз гавҳари сингари авайлаб ургана-миз. Бу фалсафаларнинг маъносига, маъноларнинг фалсафасига, тарихлар санъатига ва санъатларнинг тарихига синчиклаб назар солганимиз сари улуг бобомиз даҳоси олдидаги бурчимизнинг нақадар улканлигини ҳис қиламиз. Биз таҳсил олаётган даргоҳга ҳазратнинг номларини мерос қилиб олишимиз ҳам бежиз эмас. Шу боис мактабимизнинг ёш Алишерлари Навоий ғазалларини «муборак» деб ёд олишади. Ҳазратнинг пок руҳларини шод этиб, илм сирларини ўрганадилар. Муборак рамазон ойининг шу қутлуг кунларида Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг таваллуд кунлари нишонланиб, бобомиз руҳлари шод этилаяпти. Илоҳо, халқимизнинг асрий орзулари ушалсин, улугларимизнинг руҳлари шод, ширлари мададкор бўлсин.

Умида МИРЗАЁРОВА,
Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат мактаби ўқувчиси

ЁРУҒ ОЛАМ ЧАРОҒИ

БИР КЎЙЛАК ФОЖИАСИ

Одоб, одоб ва одам

У «шаҳар»дан бу «шаҳар»га тинмай қум ташиётган машина «шофёри» — тўрт яшар Ботиржонни бу ўйин қизиқтирмай қўйди, ҳаракатлари сустлаша бошлади. Нариги «шаҳар»да машинанинг қайтиб келишини кутиб ўтирган «юк солувчи» опаси Раъногa қараб инжиқланди:

— Опа, ойим қанилар?

— Нима қиласан? — деб сўради қум ўйнашда давом этаётган Раъно укасидан.

— Қорним очқаб кетди.

— Эрталаб дадам нонушта қилаётганларида туйиб олсанг бўлмасмиди?

Ботир жавоб бериб улгурмади. Шу маҳал кўча эшик очилди-ю, қўлида қоғозга ўроғлик бир нарса кўтариб Барнохон кириб келди. У болаларга бирров қарамади ҳам. Жимжимадор сумкасидан қафтдек рўмолчасини олиб, юзидаги упа-эликни арта-арта уйга кириб кетди. Болалар ойисининг вақтида келганига севинсалар ҳам, қандайдир маъюслик билан унинг орқасидан бирпас қараб қолдилар. Сўнгра оҳиста уй томон юрдилар.

Ботиржоннинг очлиги Барнохоннинг жеркиб бериши мумкинлигидан зўр келдими, журъат этиб сўради:

— Ойи, қорним очди, нон беринг.

— Ҳозир овқат қиламан, — деди Барнохон ўнгдаги хонага бепарвогина кириб кетаркан.

Болалар катта тошойна олдида чиройли, зангор гулли панбархит кўйлакни кияётган Барнохоннинг ёнида гоҳ ойнага, гоҳ кўйлакка қараб турдилар. Кўйлак эканлигини кўриб туришса ҳам, хушомад учун:

— Ойи, нима у? — деб сўрашди.

Шу тонда кайфияти чоғ бўлгани учун Барнохон чеҳраси ёришиб жавоб қайтарди:

— Панбархит кўйлак. Шаҳарда мен учинчи бўлиб кияман. Душманларимнинг ичини қуйдириб, бир жизғанак қилай...

— Мунча чиройлик, ойи, магазиндан олдингизми? — қизиқди Раъно.

— Йўқ, чевардан.

— Чевар сотадими?

— Йўқ, у тикади.

— Қандай тикади, ойи?

— Аввал менинг бўйимга улчайди, қайчида қияди, сўнг машинада тикади.

Барнохон ёқасини тузатиб, ойнага қаради. Ойнадан кўйлагининг этагини кўтариб томоша қилаётган Раънони кўрди. Бу ҳолат унга бундан бир йил бурун янги келинчак бўлгани-ю, Раъно чимилдиқ четини кўтариб: «Ойи!» — деб қараганини эслатди. Ўшанда Раъно кўзига бақадек хунук, чаёндек чақаётгон бўлиб кўринганди.

Барнохон кейинчалик ойиси келганда: «Мана хурсандмисиз, болаликка тегдим. Беш-ун йил келинчаклик гаштини суролмайман, энди!» — деб анча кўз ёши ҳам қилганди.

Ҳозир ҳам негадир Раъно кўзига совуқ кўринди. Таъби хиралашди. Раънонинг қўлини бир силтади-да, кўйлагини тортиб олди. Шу чоқ девордаги осма соат жом чалди. Барнохоннинг ёдига эрига тушлик тайёрлаши кераклиги тушди. Кўйлакни ечди-да, уй кийимини кийиб ошхонага кетди.

Овқат пишди. Туш ўтди. Маҳкамжон келмади. Лекин бундан Барнохоннинг парвойи палак. У ўз хаёллари билан банд. Севинчи ичига сиғмайди. Ахир, кўйлагини кийиб кўчага чиқса борми, ҳамма унга ўгирилиб қарайди.

У кўйлагини яна бир бор кийиб кўриш учун қайтадан уйга кирди.

Кирди-ю...

Кўйлакнинг ярми стулда, ярми столда ётарди. Бир парчасини «чевар» Раъно Ботиржонга улчаб, ҳатто қўғирчоқ «қизи» Марусяга ҳам оширган эди. Бир четини Ботиржонга тутқазиб қўйиб, жажжи қўлларидаги қайчи билан чақ-қонгина қиймоқда эди. Шу дамда у Барнохоннинг кўзига беўхшов ялмоғизга ўхшаб кўринди. Бу маҳлуққа нисбатан қалбида ғазаб алангаланди. Кўзлари ёниб, оч мушукдек Раъногa ташланди. «Чевар»нинг кийим бичувчи қўлларини қайирди. Билагидаги оғир кумуш сўқмаси билан унинг миясига тушира бошлади. Ҳанг-манг бўлиб қолган Ботиржон қўрқиб йиғлаб юборди. Барнохон уни ҳам бир итарган эди, пешонаси билан дераза остига ўрнатилган чўян иситгичга бориб урилди. Йиғиси ҳам тинди. Барнохон шундаям жаҳл отидан тушмади. Раънонинг юз-кўзига аёвсиз уришда давом этди. У ёғига, бу ёғига ўтиб тепди... Охири ўзи ҳам ўтириб қолди. Кўзи яна қийқимларга тушди-ю, алами қайтадан қўзиди. Аммо уриш билан кўнгли таскин топмади. Энди нима қилса экан? Топди! Яхшиси болаларни уйга қамаб қўяди, овқат бермайди...

Қўлида каттагина қоғоз қути кўтарган Маҳкамжон кўчадан кирибоқ, ҳар куни ишдан келганда кутиб олувчи болаларини излаб, у ёқ-бу ёққа ёққа алангланди:

— Барнохон! Ботиржон қани, мен унга совға олиб келдим, — деди шийпонда «Модалар» журналини кўриб, атлас кўрпачада ағанаб ётган хотинига. Барнохон эринибгина ўрнидан турди-ю, жавоб бериш ўрнига:

— Нима экан, қани? — деб Маҳкамжонга қаради.

— Мана! — Маҳкамжон қутини оча бошлади. Қути ичидан чиройли от қўшилган извош чиқди. Маҳкамжон болаларини сўради.

— Уларни уйга қамаб қўйдим, — лабини бўриб, жавоб берди Барнохон.

— Нега?

— Янги панбархит кўйлагимни ер билан битта қилиб қиймалаб, ташлашган экан, ўшанга жазоладим.

— Урдингизми?

— Йўқ, озгина қарғадим.

— Қачон қамаб қўйдингиз?

— Туш пайти.

— Ўшандан буён уйда ётишибдими?.. Эҳ, латтавоз хотин!

Маҳкамжон шошилганча уйга югурди. Эшикни тепиб очди. Остонага кириб не кўз билан кўрсинки, Раъно чап қўлини узатиб, унг қўлини жағи остига босганича, ерга узала тушиб ётибди.

— Раъно, тур, қизим! Хафа бўлма. Мана, извош олиб келдим, тура қол, қизим!

Раъно қўзғалмади. Маҳкамжон кўтариб турғизмоқчи бўлди. Бошини тиззасига олди. Воажаб, қизнинг оғиз-бурни, ёноғи қипқизил қон, кўзлари очилганча қотиб қолган, тишлари бир-бирига киришиб кетган эди...

— Раъно! — Маҳкамжоннинг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Бир оздан сўнг каловланиб — Ботиржон, қанисан? — деди атрофни пайпаслаб. Қайноқ иситгичга юзи билан ёпишиб қолган Ботиржон унинг кўзига ғира-шира илинди.

— Ботиржон! Ўғлим!!! — унинг бўғзидан даҳшатли ҳайқириқ отилиб чиқди. Ўғлининг бадани совиб, шалвираб қолганини уни юзига юзини босганда сезди. Жон ҳолатда ўкраб юборди:

— Кўзларингни очинглар, онасидан ёдгорларим!!! Бебахт отангни ҳам олиб кетинглар, болаларим! Сизларсиз менга ҳаётнинг кераги йўқ!..

Кейин... Нима иш қилиб қўйганига ақли етмай, остонада серрайиб қолган Барнохон додлашга ҳам улгурмади. Маҳкамжоннинг кучли муштига бардош беролмай, учиб кетди...

Ҳаял ўтмай Маҳкамжон уч мурдани қатор ётқизиб, устига яримта-юримта панбархит қийқимларини ёпди-ю, ерга тикилганча тош қотди.

... Фожиадан сўнг Маҳкамжон кесилиб кетди. Роппароса ўн йил ўтириб чиқди. Мен бу эски воқеани эслатиб Маҳкам отанинг ярасини янгиламоқчи эмасдим. Бироқ ўшанда янги чиққан панбархит деган сабил мато урф бўлмаганда, унга аёллар шунчалик ҳирс қўйишмаганда эди, уч ширин жон увол кетмасмиди...

Раҳматли падари бузрукворимнинг айтишича, кўп нарсаларнинг ниҳояси — ҳирс экан, буюмнинг ҳам, молу давлатнинг ҳам, ҳуснинг ҳам, мансабнинг ҳам. Бинобарин, ҳирс ғолиблик қилса, ақл-идрок ожизлашади. Ақлсиз ишнинг охири вой! Аммо, назаримда, ҳозирги кунда баъзиларда молу дунёга ҳирс қўйиш тобора ортаётгандек. Айримларда ҳирс шунчалик кучайдики, худди ўлмайдигандай бойлик тўплашмоқда. Бутун вужуди ҳирсга айланиб кетганларнинг даромади етим-есир, бева-бечора, сағиру чорасиз ногиронлар, қаровсиз, муҳтож момолар ва боболар ризқини қийиш ҳисобидан эканлиги ҳаммага равшан! Бироқ улар ҳаромдан ҳазар қилмайдилар. Аксинча, шу ҳаром бойлиги билан кериладилар, мағрурланадилар. Инсоф ва виждон улар учун ёт!

Шуни унутмаслик керакки, ҳирс ҳукмрон бўлса, одамзотнинг шўри қурийди. Бас, шундай экан, гуноҳлардан қочайлик, ҳаромлардан ҳазар қилайлик.

Оллоҳни, охиратни, савобу ҳалолни унутмайлик. Ахир, чин дунёга фақат кафан билан кетамиз-ку, биродарлар!..

Муҳаммадусмон АЗИЗИЙ

ДАЛИЛЛАР УНГА ҚАРШИ ЭДИ

Инсон, ахлоқ ва қонун

Эрталабки рейс билан водий томонга учишим керак эди. Аэропортга барвақт келдим. Ҳозир руйхатдан ўтиш бошланса керак деб тургандим, бирдан радиокарнайдан диктор аёл об-ҳаво ноқулайлиги туфайли рейс кечиктирилишини эълон қилиб қолди. Бундай пайтда сабр-тоқат билан кутишдан бошқа иложи йўқ.

Скамейкага ўтириб ёнимдаги газетани варақлай бошладим.

— Сафарга кетаяпсизми? — деб сўраб қолди бир пайт ёнимда ўтирган қирқ ёшлардаги йигит.

— Ҳа, — дедим. — Ўзингиз-чи?

— Туйга.

— Шундай совуқда-я. Бирор яқин қариндошингиз тўй қилаяптими?

— Йўқ, — деди йигит. Кейин бир жилмайиб қўйди-да гапида давом этди. — Э, бу тўйнинг тарихи узоқ. У шундай деб ҳикоясини бошлади.

Ички Ишлар бўлимида терговчи бўлиб ишлардим. Бир куни ярим кечаси телефон жиринглаб қолди. Трубкани кўтарсам навбатчи милиционер. Шаҳар четидаги кўп қаватли уйнинг хонадонларидан бирида номаълум шахслар икки кишини ўлдириб кетишибди. Кийиниб йўлга тушдим. Бизнинг ишимиз шунақа, тонг отишини кутиб ўтирмаймиз. Жиноят содир бўлган жойга тезда етиб бормасак изи йўқолиши мумкин. Тезкор гуруҳ билан ўша хонадонга кириб бордик. Эшик очиқ. Залда бир аёл ва бир эркакнинг қонга беланган мурдаси ётарди. Уйда ҳамма нарса ағдар-тўнтар қилиб ташланган. Сандиқларнинг оғзи очилган. Ҳуллас, жиноятчилар ўғирлик қилиш учун киргани ва хонадон соҳибларини пичоқлаб пул ва буюмларни олиб кетгани билиниб турарди. Тезда жиноятчиларни излашга киришдик. Тергов ишларини мен олиб бордим. Ишни қўшнилар билан гаплашишдан бошладим. Милицияга хабар берган қўшниси, қандайдир овоздан чўчиб уйғониб ташқарига чиққанини, шунда тўғридаги хонадон эшиги очиқ турганини, ичкарига кириб қараса, одамлар ўлиб ётганини баён этди. Марҳумларнинг бошқа бир қўшниси эса кечаси соат бирларда кўчада сариқ «Жигули» машинаси кўрганини айтди. Кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини берди. Машина бир дўкон сотувчисига қарашли экан. Ҳуллас, бир ҳафтадан сўнг Мардон исмли сотувчини, Рустам ва Абдусалом деган талабаларни ва пахтаободлик Турсунбой деган йигитни қўлга олдик. Маълум бўлишича, Рустам ва Абдусалом жиноят содир бўлган хонадонда ижарага туришган ва эру-хотиннинг анчагина пули ва тилло тақинчоқлари борлигидан хабардор бўлишган. Етоқхонага чиқишгач эса сотувчи, илгари қамалиб чиққан Мардон исмли шахс билан тил бириктириб ўша уйга ўғирликка тушмоқчи бўлишган.

Тасодифни қарангки, улар ўғирликка боришни режалаштирган кун Турсунбой шаҳарга бозорга узум олиб келган ва кечикиб қолгани учун синфдоши Рустамнинг ётоқхонасига борган. Икковлари анча пайт суҳбатлашиб ўтиришган. Кечаси соат ўн иккидан ўтганда қўшни хонада яшовчи Абдусалом келиб пастда Мардон кутаётганини айтган. Улар кийиниб ётоқдан чиқишган. Ташлаб кетиш ноқулай бўлгани учун «Юр, шаҳарни бир айланиб келамиз» деб Турсунбойни ҳам эргаштириб олишган.

Улар машинага миниб жиноят содир бўлган жой яқинига боришади ва Турсунбойни машинага қўриқчиликка қолдириб узлари ўғирликка кетадилар. Йўлда учаласи ҳам ниқоб кияди. Узларида қолган калит билан уйни очишади. Эшик очилганини биринчи бўлиб аёл сезади. «Ким у?» деб чироқни ёқади. Рўпарасида учта пичоқ ушлаган одамни кўриб бақириб юборади. Шунда бирдан Мардон бориб унинг бўғзига пичоқ тирайди. «Овозингни чиқарма» дейди. Бу пайтда эри ҳам ички хонадан чиқиб қолади ва пичоқ ушлаган йигитларни кўриб эшик олдида қотиб қолади. Қўрқиб кетганидан тахмонларни ағдариб барча пулларини, қимматбаҳо узук ва зиракларни топиб беради. Ўғрилар кета туриб «агар бировга айтсаларинг эртага ўлдириб кетамиз», деб қўрқитишади. Эр ҳам, хотин ҳам уларнинг барча шартларига рози бўлади. Ҳеч кимга ҳеч нарса демасликка ваъда беради. Ўғрилар эшикни ёпиб чиқиб кетишаётган пайтда эса хотин ўзи билмаган ҳолда: «Сизларни овозларингдан танидим», деб қўяди. Бундан хавотирланган уч йигит изларига қайтиб, хонадон соҳибларини ўлдиришади...

Тергов ишлари бир ойдан кўпроқ вақт давом этди. Жиноятчилар ўз қилмишларига иқрор бўлди. Экспертиза ҳам уларни жиноят қилганлигини тасдиқлади. Лекин мени бир нарса қийнарди. Бу ҳам бўлса жиноятга билмай қўшилиб қолган Турсунбойнинг тақдири эди. Қонун нуқтаи назаридан қарасангиз, у — жиноятчиларнинг шериги. Чунки уларнинг машинасини қўриқлаб турган. Бунинг устига қотиллар уйга қуруқ кириб, у ердан унча-мунча нарсалар олиб чиқишганини кўргану эътибор бермаган. Ўғирлик ёки қотиллик хаёлига ҳам келмаган.

Тергов жараёнида мен Турсунбой билан кўп гаплашдим. У ҳеч нарсани яширмас, содда, самимий сўзларди.

Бир куни хонамда ўтирсам бир аёл келди. Кўринишидан касалманд, оёқда зўрга турибди, стулга ўтирди-ю, йиғлаб юборди.

— Нима гап? — десам ҳеч нарса демай нуқул йиғлайди. Турсунбойнинг онаси экан.

— Битта-ю битта суянчиғим шу, — деди кўз ёшларини артиб. — Отаси ўтиб кетганига тўрт йил бўлди. Ёрдам беринг, болам. Улгунингизча хизматингизни қилай, уйингизни супурай.

Ўшанда ҳаётимда биринчи марта ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетдим. Кўриб, билиб турибман, Турсунбой айбдор эмас, лекин далиллар унга қарши эди. У ўзи мутлақо билмаган ҳолда оғир жиноятга шерик бўлганди.

Тергов ишлари тугагач, ишни судга юбордик. Орадан бир ой ўтгач суд бўлди. Унда мен ҳам иштирок этдим. Панжара ортида турган тўрт йигитга қарайман. Улардан учтаси бепарво. Гўё ҳеч нарса бўлмаган, улар икки бегуноҳ одамни ўлдиришмаган. Фақат Турсунбой тинмасдан йиғларди. Балки виждони қийналаётгандир. Балки бутун умрини шу битта-ю битта фарзандига бағишлаган, ҳозир эса йиғлаб, суддан нажот кутиб ўтирган онасини кўриб юраги эзилгандир.

Тўғриси, ўшанда Турсунбойга ҳам, онасига ҳам жуда-жуда ачиндим. Она-бола қаторида мен ҳам суддан нажот кутдим. Чунки қамоқ ҳаммани ҳам тарбиялавермайди. Баъзан тасодиф ёки ўзи билмаган ҳолда жиноят қилиб қамалган одамлар у ердан бироз ўзгариб қайтишади. Турсунбой ҳали ёш, ҳаётда ҳеч нарса кўриб улгурмаганди.

Ниҳоят ҳукм ўқилди. Қотиллар қилмишларига яраша жазо олдилар. Лекин Турсунбой ҳам шу жиноят қурбони бўлди. Икки йилга озодликдан маҳрум этилди...

Яқинда Турсунбой қамоқдан қайтибди. Онаси ўғлим эсон-омон қайтса бир ой ичида уйлантириб қўяман, деб ният қилиб қўйган экан, дарров тўйни ҳам бошлайдиган бўлишибди. Буни қарангки, қуёв бола тўйга айтиш учун мени излаб ошхонамга борибди. У ердаги ҳамкасбларим Тошкентга кетганимни айтишган экан, адресимни олиб бу ерга келибди. Анча суҳбатлашдик. Худога шукр, ёмон томонга ўзгармабди. Тўйига албатта боришимни тайинлаб кетди.

Нотаниш ҳамроҳим ҳикоясини тугатган ҳам эдики, радиокарнайдан аэропорт дикторининг овози жаранглади: «Об-ҳаво ноқулайлиги туфайли рейс маҳаллий вақт билан соат 17.00 гача кечиктирилади».

— Ана холос, — деди терговчи. — Бу ёғи неча пуллик бўлди? Самолётта ишонсам, тўйдан қолиб кетадиганга ўхшайман-ку. Яхшиси ҳозир «Кўйлиқ» бозорининг олдига бораман-да, йўл машинада кетиб қўя қоламан.

У мен билан хайрлашиб чиптасини топшириш учун касса томон юрди.

Б. УММАТОВ

ЁН ДАФТАРИНГИЗГА

Сотқин гўё ёнгоқ пучоғига ўхшайди. Мағзи олингач, ташлаб юборилади.

***

Сотқиннинг иши ҳудди майдонда қолиб кетган минага ўхшайди. Чунки у кутилмаганда портлайди.

***

Сотқиннинг берган маслаҳати замирида ўзининг манфаати ётади.

***

Сотқинлик касали СПИДга ўхшайди. Эҳтиётчил одамга юқмайди. Аммо хавфли.

***

Сотқиннинг ишонтириш қобилияти яхши ривожланган бўлади.

***

Сотқинликни тугатса бўлади. Фақат бунга жасорат керак.

***

Сотқин одам ялтоқ ва хушомадгўй бўлади.

***

Сотқин вазиятга қараб ўзгаради. Шунинг учун унда садоқат бўлмайди.

***

Сотқин бир жиҳатдан хўжасига май ташувчи қўлга ўхшайди. Май эса майхўрни бора-бора ўз домига тортиб кетади.

***

Икки киши ўзи етиштирган аччиқ меванинг таъмидан роҳат қилади. Булар—игвогар билан сотқин.

***

Игвогар билан сотқин жуда тез топишади. Ҳатто бирлашиб кетадилар.

***

Сенга бировни сотиб келган киши, билгинки, бир кун келиб, албатта, сени ҳам бошқага сотади.

Ўринбой НОРМАТОВ

Бирлашган ўзар

«БУ ВАТАН БОТИРЛАР ЎЧОҒИДИР»

Бу мисрани асримизбошларида Қўқонда туғилиб, йигирма йилча муқаддам хорижда оламдан ўтган шоир Солиҳ Эркинқўлнинг «Ҳур Туркистон учун» газетида босилган шеъридан олдик. Бизнинг бугунги авлод Ўзбекистон истиқлолини узоқ келажакнинг улуғ неъматидир, дея пинҳона орзу қилиб юрган кезларда тақдир зайли билан Ватан дийдоридан бебаҳра кўнгиллар вана шундай шеърлар ёзишган, ана шундай газеталар чиқаришган, дунёдаги жамики туркий элатларни Туркистон бирлиги ва Ватаннинг ҳуррият чиқмоғига сафарбар этмоқ учун буюк даъватлар билан чиқишган. Элимизнинг шундай фидойи фарзандларидан бири Зиёвуддин Бобоқурбондир. У билан дастлаб икки йилча муқаддам танишган эдик. Ўшанда Зиёвуддин Бобоқурбонга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг халқаро Чўлпон мукофоти берилган эди.

Шу мукофот муносабати билан Тошкентга келган Зиёвуддин ака ижод аҳлидан бир гуруҳини бир пиёла чойга таклиф этиб, дилдан суҳбатлар қурганди. Ўша оқшомда атоқли шоиримиз Абдулла Орипов ўзининг «Фурқат нидоси» шеърини ёниб ўқигани, Зиёвуддин акани қайта-қайта баг-рига босгани шундоқ кўз ўнгимда турибди. Бу шеър асли Фурқат каби ёшлигида киндик қони тўкилган Ватандан жудо бўлган қўплаб ватандошлар қалбидаги абадий ўчмас садо эди. Эҳтимол шунинг учун ҳам, бу шеърни кўп бор тинглаган, ўқиган бўлсам-да, ўша оқшомдаги бетакрор лаҳзалар хаёлимда узоқ муҳрланиб қолди. Таниқли шоирларимиздан Тоҳир Қаҳҳор «Ҳур Туркистон учун» деган китоб ёзиб, унда Зиёвуддин Бобоқурбоннинг ватандан олисда олиб борган ватанпарварлик ишлари ҳақида биз билмаган катта тарихни қаламга олди. Яқинда «Чўлпон» нашриётида бўлган ана шу китоб тақдимномасида Зиёвуддин ака иштирок этди. Ватандан қайтиши олдидан у кўпи билан қисқагина суҳбатлашдик.

— Асли Маргилонда туғилиб ўсганман, — деб ҳикоя қилади Зиёвуддин ака. — Бугун эса мана кўриб турибсиз, 43 йиллик турк журналистиман. 1975—1977 йиллар оралиғида Туркияда «Ҳур Туркистон учун» даган истиқлолчи газета чиқардим. 1966 йилдан то 1994 йилгача 28 йил «Озодлик» радиосининг Ўзбекистон шўъбаси муҳаррири бўлиб ишладим.

Бу радиони мунтазам тинглаб келаётган ватандошлар уни «туркистонлик Жомбой» номи билан яхши танийдилар. Бу унинг адабий тахаллусидир. «Озодлик»ни бутун дунё тинглагани каби «Ҳур Туркистон учун» газети ҳам Туркиядан ташқари Америка, Овруп, Осиё ва Африка мамлакатларидаги туркистонликлар ўртасида кенг тарқалди. Газета шуролар истилоси остидаги Туркистоннинг асл тарихи, маданияти, маънавий тафаккурининг бир ойнаси сифатида она Ватанда юз бераётган жараёнларни тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан холис ёритиб борди. Ҳур фикр учогига айланди. Унда ўз мақолалари билан мунтазам қатнашиб турган Туркистон ойдинлари қўплаб халқаро анжуманларда миллатнинг эгилмаган фарзандлари номидан сўз айтдилар, Туркистоннинг озодлиги ғоясини илгари сурдилар. Газета айни пайтда хориждаги туркистонликларнинг эзгу мақсад йўлидаги ҳаракатларини бирлаштириш юзасидан ҳам муайян вазифани адо этиб келди. Миллий истиқлол туйғусининг камол топишига замин ҳозирлади...

Зиёвуддин ака билан шу ҳақда суҳбатлашар эканман, мана энди озодликка ҳам чиқдик, ижодкор «туркистонлик Жомбой» фаолиятида ҳам ўзгаришлар бўлаётгандир, энди қалам тигини нимага қаратмоқдасизлар, қураш майдони қайси жабҳага йўналтирилмоқда, деб сўрайман.

— Илгари биз хорижда туриб Туркистоннинг озодлиги ғоясини кенг тарғиб этиб келган бўлсак, ҳуррият эришилганидан сўнг ҳам фаолиятни тўхтатганимиз йўқ. Биз Ўзбекистон ва умуман, барча Туркистон республикалари мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига хорижда туриб ҳам катта ҳисса қўшишимиз мумкин экан. Чунки ҳали Туркистоннинг озодлигини қўра олмайдиган кучлар ўз ғаразли ниятларидан бутқул қайтган эмаслар. Янги мустақил давлатларда кечаётган жараёнларни узларининг ғайри мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бузиб талқин этиш ҳоллари бўлиб турибди. Марказий Осиёдаги жумҳуриятлар мустақилликка эришгач, биз зўлдик билан матбуот бюллетенлари чиқариб, хориждаги кўплаб газеталарга, оммавий ахборот воситаларига тарқатдик. Бугунги кунда эса барча матбуот тармоқларида ўз ахборот ва шарҳларимиз билан қатнашиб турибмиз.

— Сиз бошқараётган матбуот агентлиги ўз нашрига эга бўлишни ҳам кўзда тутадими?

— Албатта. Ҳозир биз Германия ва Туркиядаги фаолиятимизни кенгайтирмоқдамиз, чиқиб турадиган бюллетенни газетага айлантирмоқчимиз. Бунинг учун баъзи ташкилий масалалар, хусусан, Марказий Осиёда жойлашган мустақил давлатларнинг ахборот агентликлари, матбуот нашрлари ва бевосита шу ердаги журналистлар билан яқиндан алоқа боғлашимиз керак бўлади. Бўлажак матбуот нашримизнинг шиори ҳам шакилланди. Бу Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан ўртага ташланган ва Туркистон ҳудудидаги мустақил давлатларнинг юртбошилари, маданият ва санъат аҳлари, ижодкорлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланган «Туркистон — умумий уйимиз» шиоридир.

Мен бир вақтлар, мустақилликдан илгари, Марказий Осиё иқтисодий бозорини ташкил этиш керак, деб ёзган эдим. Бугун қадим Туркистон ҳудудидаги давлатлар бошлиқларининг ўзи шундай ташаббус билан чиқиб, уни амалга ошира бошлаганликлари минтақанинг XXI асрдаги барқарор тараққиёти йўлида катта истиқболлар очади. Аввало, шу минтақада тинчлик ва фаровонликка катта ҳисса қўшади, қолаверса, тили, дини, урф-одатлари бир-бирига ҳамоҳанг бўлган ога-ини халқларнинг бирodарлик ришталарини мустаҳкамлайди, минтақанинг обрў-эътиборини кўтаради, унинг хавф-хатарсиз тараққиётига пухта замин бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирданоқ бу ташаббус бутун жаҳон узра ижобий акс-садолар бермоқда. Биз янги матбуот агентлигимиз томонидан уч Президент ташаббусини мунтазам равишда ҳимоя қилиб боришга қарор қилдик.Мен хориждаги яхши ниятли барча туркистонликлар номидан ўзбек, қозоқ ва қиргиз халқларини ва уларнинг йўлбошчиларини Туркистон бирлиги йўлидаги астойдил саъй-ҳаракатлари билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Бутун жаҳонга намуна бўладиган эзгу ишлар фақат ўз юртининг ботирлари томонидан руёбга чиқарилади. Бизнинг она Туркистонимиз эса қадим-қадимдан ботирлар учогидир.

Зиёвуддин ака киндик қони томган она ватанга қилган навбатдаги ташрифидан ана шундай эзгу ниятларга тўлиб-тошиб қайтди.

М. АБДУЛЛАЕВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1996 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Мукаррама МУРОД қизи

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 069. Ҳажми — 4 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6